Туркистон бир, ватан бир

Ёшларнинг ижтимоий-сиёсий газетаси

Туркистон

1993 йил 24 апрель • Шанба • № 47 (14075) ترکستان * TURKİSTAN Нархи 5 сўм.

Талабага—юз минг сўм

Ўзбекистон марказий банки республикадаги энг ёш олий мактаб — жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия универстетининг юз нафар талабасига фойда олинмайдиган кредит очди. Бу талабалар университетга кириш пайтида пухта билимли эканини кўрсатди. Февралда ўқиш бошланди, энди эса таълим учун бир йил аввал ҳақ тўлаш имконини олди. Ота-онаси бўлмаган ёки кўп болали оиладан чиққан талабаларга ҳам кредитлар берилди. Шу маблағдан ётоқхона, уч маҳал овқатланиш ҳақи тўланади, стипендия берилади.

Банкдан ссуда олган талабалар университетни битириб чиққандан кейин ўн йил мобайнида уни қайтариб беришлари керак. Спонсорларнинг ҳомийлигида билим олаётганлар ҳам ялло қилиб юра олмайди. 300 дан ортиқ барча талабанинг олдига қаттиқ шарт қўйилган: ўқишни уддаламадингми, ўзингдан кўр.

Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетини битириб чиққан мутахассислар халқаро майдонда мустақил Ўзбекистон номидан иш юритадиган бўладилар. Унинг тўртта факультетида дипломатлар, халқаро ҳуқуқ ва иқтисодий муносабат соҳасида мутахассислар, халқаро мавзуда ёзадиган журналистлар тайёрланади. Курси ва ихтисосидан қатъи назар бошқа олий ўқув юртлари талабалари орасидан ўқувчилар танлаб олинди. Муаллимларнинг фикрича, (улар орасида АҚШдан келган 20 нафар мутахассис бор) талабаларнинг умумий савияси етарли равишда юқори. Таълим дастури тиғиз қилиб тузилган. Ўқиш давомида талабалар инглиз, немис ва француз тилларини ўзлаштириб олишлари керак. Асосий фанлар юзасидан улар бакалавр, магистр ёки доктор унвонини олиш учун имтиҳон топширади.

Май ойида университет студентлари компьютерларда дастлабки жиддий тест усулида синов қилинади. Шу синов якунлари юзасидан оширилган стипендия олишга номзодлар, шунингдек, АҚШ ва Ҳиндистон олий ўқув юртларида таълим оладиган талабалар танланади. Сўнгра янги талабаларни қабул қилишга тайёргарлик бошланади. Бу гал қабул имтиҳонлари бошқа олий ўқув юртларидаги имтиҳонлар билан айни бир вақтда ўтказилади. Танлов имтиҳонларида мактабларни битириб чиққанлар ҳам, шунингдек, республиканинг бошқа институт ва университетлари талабалари ҳам қатнашишлари мумкин. Олий маълумотли кишилар учун икки йиллик магистратура очиш мўлжаллаб қўйилди.

Янги қабул пайтида республика марказий банки энг истеъдодли ва тиришқоқ ёшларга яна моддий ёрдам беради.

Н. ШУЛЕПИНА,
ЎзА мухбири.

Хатирчи туманидаги «Олтинсой» давлат хўжалиги асосан чорвачиликка ихтисослашган. Эътиборга молик жойи шундаки, туман бўйича фақат шу хўжаликдагина ангор зотли эчкилар боқилади. Боқилганда ҳам роса 14 минг бош. Гап эчкиларнинг кўплигида эмас, балки уларнинг парвариши жайдари қўй-эчкиларга нисбатан бир қанча мураккаблигида. Қолаверса, қўзилатиш мавсуми ҳам уларда қўйчивонларникига нисбатан оғирроқ кечади. Лекин шунга қарамасдан, меҳнаткаш эчкибоқарлар бу йилги мавсумни муваффақиятли якунлашди. Ҳар 100 бош она эчкидан 80 бошдан улоқ олиниб, кўзланган режа уддаланди.

Сиз суратда хўжаликнинг илғор эчкибоқари Шохоббек Пардаевни кўриб турибсиз. У ўтган йили тивит топшириш бўйича ҳам ҳамкасбларига етакчилик қилганди. Қўзилатишда ҳам мақтанса арзигулик натижага эришди...

Т. НОРҚУЛОВ сурати.

Ўтиш даври сабоқлари

ҚАДАМ ИЗЛАРИ

Ёдимда. Бундан икки-уч йил аввал газетамизда «Агар мен комсомол ходими бўлсам...» номли янги рукн ташкил этилганди. Биринчи мақолани ўзим ёзгандим. Ўшанда янги рукн эълон қилингандан кейин хатлар оқими тўхтамаса керак, деган фикрда эдим. Чунки у пайтларда ҳам йиғинларда, давраларда «Комсомоллар ундоқ, уни қилиш керак, мана шундай ишлаш керак...» деган гаплар кўп такрорланарди. Лекин... мақола чиққандан кейин тўрт-бештагина муштарий агар комсомол ходими бўлганида нималарга эътибор беришни ёзганди, холос.

Ўшанда бир ҳамкасбимиз тўғрисини айтганди:

— Ҳамма ҳам комсомол ходими бўлавермайди. Қаранглар, лоақал бир мақола ёзилгунча ҳам ўзини комсомол ходими деб тасаввур қилгиси келмаганлар бор. Шунинг учун комсомолда ишлаётганларга насиҳатни бас қилиш керак.

Мен бугун ана шу — комсомолда чидаб ишлаб келаётганларнинг катта йиғини — ёшлар анжумани ҳақида сизларга ҳикоя қилиб бермоқчиман.

Бир куни саркотиб Бўрибойдан сўрагандим:

— Сизнингча, ёшлар етакчиси ким? — деб.

— Мардикорнинг ишидай гап-да, — деганди у. — Ва бу жавобини исботлаб берганди.

Лекин у бироз янглишди, менимча. Чунки мардикор бажарган юмушига яраша ҳақ олади. Ёшлар билан ишловчилар эса кўп ҳолларда ҳақ ўрнига «раҳмат» эшитишади, холос. Шунда ҳам уларнинг кайфиятлари кўтаринки бўлади. «Катта раҳмат айтди» деб қувониб юришади.

Ҳисоблаб кўрсам, Самарқанддаги ёшлар ташкилотлари билан ҳамкорликда, уларнинг яхши-ёмон кунларида бирга эканимга ҳам етти йил бўлаяпти. Бу йиллар ичида Бўрибой Бўронов саркотибларнинг учинчиси. Уларни ўйлаганимда ҳар бирининг номи билан боғлиқ яхши ишлар, тадбирлар, ташаббуслар ёдимга тушади. Самарқандлик ёшлар, уларнинг котиблари кўп ибратли ишларнинг бошловчилари бўлишган.

Ҳозир ташкилотга халқ ноиблари вилоят кенгашининг III сессиясида қабул қилинган ёшлар тўғрисидаги қарор ҳаракат дастури бўлиб хизмат қилмоқда. Бу қарорнинг бажарилиши бир неча марта вилоят ҳокимияти йиғилишларида муҳокама қилинди. Иштихон, Тайлоқ, Қўшработ, Темирйўл туманларида «Ёшлар жамғармалари» ташкил этилди. Иштихон тумани жамғармаси ўтган йили 75 минг сўм пулни мактаб ўқувчилари, кам таъминланган оилаларга, собиқ афғончиларга тарқатди. Темирйўл тумани жамғармаси 50 минг сўмни турар-жойларда ташкил этилган ўсмирлар клубларига ажратди.

Самарқандда ташкил этилган ойнаи жаҳон ҳам ана шу ёшлар ташкилотининг йирик ишларидан бири. Шу сабабли ҳам Ёшлар Иттифоқининг фаолиятини халққа етказишда телевидениенинг ёрдами катта бўляпти.

Вилоят «Зарафшон» газетасида эса «Ниҳол» саҳифаси ойда бир марта эълон қилинмоқда.

Самарқанд талабалар шаҳри ҳамдир. Иқтисодий томондан кам таъминланган талабаларга қўшимча равишда нафақалар тайинланди. Ўтган йили вилоят қўмитаси 50 минг сўмни ана шу мақсад учун сарфлади. Самарқанд Давлат дорилфунуни, тижорат, тиббиёт олий ўқув юртларида ана шундай хайрли ишлар мунтазам олиб борилмоқда.

Вилоят ёшлари саркотиби Б. Бўронов ўз маърузасида йўл қўйилган камчиликларни ҳам рўй-рост айтиб ўтди. Бугунги кунда кўпчилик ўртасида «Ёшлар иттифоқида ким ҳам ишларди? Яхшироқ иш топилса бугуноқ бўшаб кетардим» қабилида ўйловчилар ҳам топилади. Лекин бу ташкилотда ўз ўрни бор етакчилар, аксинча, ёшлар ишончини оқлай олмасдан, уларнинг назаридан қолаётганлар ҳам бор.

Салкам бир йил муқаддам Каттақўрғон тумани ёшлар ташкилотининг — биринчи қотиби этиб сайланган Р. Қиличев иш давомида ваъдадан нарига ўта олмади. У ташкилотни инқирозга олиб келди. Яқинда бўлиб ўтган конференцияда делегатлар унинг фаолиятига баҳо бериб, ташкилий пленумда ўз лавозимига қайта сайламадилар.

Ҳисобот даврида туман, шаҳар ташкилотларининг биринчи котиблари тўлиқ янгиланди. Баъзилари раҳбарлик ишларига ўтишган бўлса, баъзилари вазифасини уддалай олишмади. Баъзи бир туман раҳбарларининг ёшлар ташкилоти ишига аралашаётганлиги ҳам ўз фойдасини бермаяпти. Гўзалкент туман ҳокимининг тавсияси билан сайланган туман ёшлар ташкилотининг биринчи котиби И. Сатторовнинг фаолияти ана шундай муносабатнинг маҳсули бўлмоқда.

Бу далилдан кўриниб турибдики, масалага билиб-билмай аралашиш яхши натижа бермайди. Ёшлар ким билан ишлашни ўзлари ҳал қилмоқлари лозим.

Ёшлар анжуманида сўзга чиққанларнинг фикрларини йиғилганлар диққат билан тингладилар. Баҳслашишди, фикрлар айтилди. Мана, уларнинг айримлари.

М. ҲОЖИХОНОВ — делегат:

— Ёшлар ўз муаммолари билан ўзлари ўралашиб қолишган. Ишсизлик ёшлар чекига тушмоқда. Менинг таклифим ёшларни иш билан таъминлаш дастурини ишлаб чиқиш ва буни вилоят ҳокимлиги билан кўриб чиқиш керак.

Ўзим шахсий корхона эгаси бўлганим учун улар билан боғлиқ муаммо: шахсий корхоналарга қарз беришни йўлга қўйиш. Кейинги пайтларда савдогарчилик билан шуғулланаётган кичик корхоналар кўпайиб кетганлиги учун ишлаб чиқариш билан шуғулланаётган корхоналарга ҳам уларга қаралгандек муносабатда бўлинмоқда. Ахир ишлаб чиқариш билан шуғулланувчи корхоналар ҳамма учун керакли-ку.

Учинчи таклифим — менам комсомолда ишлаганман. Шунинг учун бугунги кунда ҳам шу ташкилотда ишловчиларнинг ҳаётига бефарқ қарай олмайман. Баъзилар ёшлар ташкилотида ўн йиллаб қолиб кетяпти. Наҳотки, улар қадр сифатида ҳеч бир раҳбарга керак бўлмай қолган бўлишса? Уларнинг ичида билимли, замон талабига жавоб берадиганлари кўп-ку. Вилоят раҳбарларидан уларнинг келажагига эътибор беришларини сўрардим.

Б. ТУРОБОВА — делегат:

— Бир пайтлар комсомолларни юрагида ўти бор, деб шеър ёзгандим. Менга комсомол сўзи ёқарди. Ўша сўзда шиддат бордай — келажакка умид бордай. Мен аёлларнинг ҳаёти, муаммолари билан кўпроқ банд бўламан. Авваллари аёлларга ҳурмат бор эди, деган гапларни эшитаман. Бугун ҳам бор, у ўзимизга боғлиқ. Аёллар бор жойда — инсоф, ҳалоллик бўлсин. Аёл барибир заифа. У беш бармоғини бирдай оғзига тиқа олмайди. Шунинг учун ёшлар билан ишловчилар орасида ҳам хотин-қизларимиз бўлсин. Залга қараб турибман, улар жуда камчилик, ахир қизларимиз дардини эркакларга бориб айтолмайди.

Ёшлар Иттифоқи тарбия маркази бўлсин. Ёшларнинг тарбияси болаликдан бузилмасин. Мана, маърузада ёшлар ўртасидаги жиноятларнинг кўпайиб бораётганлиги айтилди. Болаликдан тарбия бузилишидан худонинг ўзи сақласин.

ТЎХТАЕВ — делегат:

— Ҳарбий - ватанпарварлик ўйинлари, спартакиадалари йўқолиб кетди. Мактабларда бошланғич ҳарбий таълим дарсларини ўтувчи ўқитувчилар йўқ ҳисоби. Ҳарбий интизомнинг сусайиши — кадрларнинг етишмаслигида. Қани, авваллари Ёшлар Иттифоқидагилар ҳар хил спорт, ҳарбий ўйинлар, конкурслар ўтказиб турилишига бош-қош бўлишарди. Ахир бу ўйинларни тугатиш ҳақида «кўрсатма» бўлгани йўқ-ку. Ҳар қанча қийин бўлмасин яхши анъаналардан воз кечмаслик керак деб ўйлайман.

Ёшлар анжумани фақат «у ишлар бажарилди, мана бундай режаларимиз бор» деган гаплар билан ўтгани йўқлигини сўзга чиққанлар исботлашди. Дарвоқе, улар кўпгина унутилаёзган тадбирлар, беллашувлар, яхши ишларни ёдга солишди.

Менимча, бугунги кунда бир пайтлар кўпчиликни яхшиликка ундаган «темурчилар» ҳаракатини, металлом ва қоғоз парчалари йиғишни, қуёнчилик фермаларининг ишини қайтадан йўлга қўйиш керак. Ахир бу ҳар томонлама керак ва зарур.

Энди сизларни ёшлар анжумани қатнашчилари билан биргаликда бир гўшага бошлаб борамиз. Бу ер — «Гулистон» емакхонаси. Делегатлар бу ерга тамадди қилишга таклиф этилган. Катта қозонда ош дамланган. Ахир шунча гап-сўздан кейин кимнинг тўйиб палов егиси келмайди. Фақат шугина эмас. Хоразмнинг шўх ялласи янграган лаҳзалар. «Лазги»нинг шўх оҳанги сизни даврага чорласа. «Сегоҳ»нинг юракни сел қилгувчи ноласи ўйга толдиради. Делегатлар учун хоразмлик хонанда, Самарқанд Давлат дорилфунуни музика қуллиётининг битирувчи босқич талабаси Санобар Матмуродова куйлаяпти. Бу шунчаки делегатлар учун ташкил қилинган концерт дастури эмас. Санобар делегатларга ўз истеъдодидан ҳисоб беряпти. Унга ўша куни вилоят ёшлар иттифоқи соҳибаси унвони берилди. Фақат Санобар эмас, ўша кунги анжуманда вилоят «Зарафшон» газетасининг мухбири Абдурасул Сатторов ва Жўрамурод Маматмуродовлар ҳам ёшлар иттифоқи мукофоти соҳиблари унвонига эга бўлишди.

Ҳар бир яхши из — ўйлаб босилган қадам демакдир. Ахир ҳар бир киши бежиз маълум масофага боргандан кейин ортига бурилиб, босган изларига назар ташлайди. Айтиш мумкинки, Самарқанд ёшлар ташкилотининг ҳар бир иши ниманидир эслатувчи қадам изларидир.

Ёшлар анжумани ишида вилоят ҳокими П. Абдураҳмонов иштирок этди ва нутқ сўзлади. Шунингдек, конференция ишида вилоят халқ демократик партиясининг биринчи котиби Ш. Ғиёсов, Ўзбекистон Ёшлар Иттифоқи Марказий Қўмитасининг котиби К. Жуманиёзовлар қатнашишди.

Конференциядан кейин бўлиб ўтган ташкилий пленумда Бўрибой Бўронов бир овоздан вилоят ёшлар иттифоқи ташкилотининг биринчи котиби этиб сайланди. Н. Ҳазратов котиб, болалар ва ўсмирлар уюшмаси вилоят кенгашининг раиси этиб Д. Мамедовалар сайланди.

Гули ЧЕҲРА,
«Туркистон»нинг ўз мухбири.
Самарқанд.

Аср фожиаси

Жабрдийдалар

1986 йил 26 апрель. Украина. Чернобиль фожиаси...

Бугун собиқ номини олган улкан мамлакатда ўшанда ўзгача руҳ, ўзгача кайфият ҳукмронлигига, демократия ва ошкоралик қарор топа бошлагани ҳақида зўр бериб гапирилаётганига қарамай, Чернобилдан узуқ-юлуқ хабарлар келар, нима бўлаётганини кўпчилик тушуна олмас, заҳирадаги аскарлар, ўт ўчирувчилар, ҳатто талабалар зудлик билан ўша ёққа жўнатилаётгани қулоққа чалинар эди.

Фурсат ўтиб, халқаро жамоатчиликнинг саъй-ҳаракати, қолаверса тазйиқи натижасида кўп нарса ойдинлашди. Жумладан, атом электр станциясининг 4-блокида портлаган ядронинг қуввати Нагасакини култепага айлантирган ажал уруғидан 300 марта кучли экан.

Замон ўзгариб, собиқ Иттифоқ таркибидаги республикалар истиқлолга эришмаганида, ёпиғлиқ қозон ёпиғлигича қолаверар эди, — дейди «Ўзбекистон чернобилчилари» уюшмасининг раиси А. Исломхўжаев. — Шоша-пиша, чалакам-чатти қабул қилинган қарорлар, одатдагидек, қоғозда қолиб кетди. Мустақиллик шарофати билан ватанимизда биз — чернобилчиларга эътибор берила бошланди. Олий Кенгаш Раёсати билан Вазирлар Маҳкамаси Ўзбекистон чернобилчиларини ижтимоий ҳимоялаш, уларга моддий ва тиббий ёрдам бериш ҳақида муҳим ҳужжат қабул қилди. Уюшмамиз рўйхатдан ўтказилиб, фаол ишлашимиз учун имконият яратилди. Яқинда «Чернобиль Иттифоқи» халқаро ташкилотига ҳам аъзо бўлдик.

— Ҳужжатда фожиа оқибатларини тугатиш ишларида 10 мингдан кўпроқ юртдошимиз қатнашгани қайд этилган...

— Уларнинг баъзилари раҳматли бўлиб кетди. Сиз ранг-рўйимизга қараб баҳо берманг. Нурланиш шундай касофатки, қачон ва қаерда ёқангдан тутишини билмайсан, — дейди ҳазил оҳангида А. Исломхўжаев. — Энг даҳшатлиси — наслга таъсир этиши...

— Уюшма ишлари ҳам юришиб кетгандир?

— Нимасини айтасиз! Халқлар Дўстлиги майдонидаги бинодан 10 та хона ажратиб берилди. 6-қурилиш трестининг ёрдами билан хоналарни таъмирдан чиқардик, қурувчилар бу ишга 450 минг сўм пул сарфлади. Янгийўл ишлаб чиқариш бирлашмаси имтиёзли нархда зарур жиҳозлар билан таъминлади. «Ўзавтотранс» концерни автомашина ажратди.

Қарорга мувофиқ, пойтахт ва вилоятларда уюшманинг бўлимлари тузилиб, ишлар бошлаб юборилди. Жабрдийдаларга, фожиа пайтида ҳалок бўлган ҳамда кейинчалик вафот этган чернобилчиларнинг оилаларига моддий ва тиббий ёрдам берилмоқда. Айни вақтда, ҳамма жойда қарор кўнгилдагидек бажариляпти, деб бўлмайди. Баъзи мутасадди ташкилотлар ва идоралар сусткашлик қиляпти. Тўғри, шароит оғир, муаммо кўп. Лекин, инсон саломатлигидан кўра муқаддасроқ нима бўлиши мумкин? Айниқса, тани бошқа дард билмас, қабилида иш тутиб, уларни оворaю-сарсон қилаётган турли комиссияларни айтмайсизми! Фожиа жабрдийдаларини бир дақиқа унутмаслигимиз, наслимизнинг саломатлигини ўйлашимиз ҳам фарз, ҳам қарздир. «Соғлом авлод учун» орденининг таъсис этилишидан кўзланган мақсад ҳам шу эмасми? Текширишлар, тадқиқотлардан маълум бўлишича, фожиа асоратлари вақтида бартараф этилмаса, бепарволик қилинса, оқибати 100, 200, 300 йилгача сурилиши мумкин экан.

Чернобилчиларга ғамхўрлик қилиш, уларни ижтимоий ҳимоялаш, соғлигини ўйлаш уюшмамизнинггина эмас, аввало, уларни аждаҳо комига йўллаган идораларнинг, қолаверса, наслимиз учун қайғурадиган барчанинг бурчидир. Менимча, нафақат Чернобиль атом электр станциясида, балки бошқа ядровий иншоотларда ишлаганларни ҳам ҳимоялаш тўғрисида қонун қабул қилиш фурсати келди. Қарор — қарор, қонун — қонун-да, ахир! Ана шундагина истиқбол режаларини бажариш, мустақил республикамизнинг соғлом, забардаст ворисларини тарбиялаб вояга етказиш мумкин бўлади.

Мен уюшмамиз амалга оширган барча ишни санамоқчи эмасман. Муаммоларга тўхталмоқчиман. Ёрдам беришга даъват этилган идоралар биз томонга ҳам қиё боқиб қолишса, зора... ҳокимликлар, жойлардаги мутасадди ташкилотлар, хусусан, Соғлиқни сақлаш вазирлиги чернобилчилар саломатлигини тиклаш, илмий маслаҳат марказлари очишда ёрдамларини дариғ тутмасалар... Уларга ҳам осон эмаслигини биламиз, лекин начора!

Республикамизда нурланиш касаллигини даволайдиган мутахассислар бармоқ билан санарли экани, устига-устак, дори-дармон ҳам тақчиллашиб бораётгани кишини ташвишлантиради.

Бизнингча, чернобилчиларга хизмат қиладиган махсус муолажа маркази ташкил этишдан ўзга илож йўқ.

Лекин, ноумид — шайтон, дейдилар. Бир хайрли ишга қўл урмоқчимиз. «Чернобиль Иттифоқи» халқаро ташкилоти раҳнамолигида лаҳзада ютуқ чиқадиган лотерея ўйинларини ўтказиш ниятимиз бор. Германиядаги бир ташкилот билан келишиб, билетларни ҳам тайёрлаб қўйдик. Тегишли вазирликлар кўмаклашиб юборса бас...

Кези келганда яна бир муаммони айтиб ўтсам. 1992 йилнинг март ойида «Корхоналар, бирлашмалар ва ташкилолардан олинадиган солиқлар тўғрисида»ги қонунга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида Ўзбекистон Республикасининг қонуни чиқди. Аммо уюшмамиз рўйхатдан икки ой кейин ўтгани сабабли унда кўзда тутилган имтиёзлардан бебаҳра қолдик. Шу туфайли анча қийналяпмиз. Бизни ҳам даромад солиқлари тўлашда имтиёзли уюшмалар қаторига киритиб қўйишса, деган ўтинчимиз бор.

— Айбга қўшмайсиз, — дейди суҳбатимиз сўнгида А. Исломхўжаев, — «Ўзбекистон чернобилчилари» уюшмасига баҳолиқудрат кўмаклашиш истагида бўлган ташкилот, уюшма, корхона ва саховатпеша фуқаролар **Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий фаолият миллий банкида очилган 70000068/000 валюта ҳисобимизга, саноат-қурилиш банкининг Тошкент шаҳар меҳнат бўлимидаги 172682315 МФО 031700408 ҳисобимизга маблағ ўтказишса,** даҳшатли балони даф этишда иштирок этган юртдошларимизни қўллаб-қувватлаган бўлур эдилар.

Баҳодир АБДУЛЛАЕВ,
ЎзА мухбири.

СУРХОНДАРЁДА ЁШЛАР АНЖУМАНИ

Сурхондарё вилояти Ёшлар Иттифоқи ташкилотининг XXV конференцияси бўлиб ўтди. Унда вилоят қўмитасининг биринчи котиби Дамин Қобилов, назорат комиссияси раиси Нурали Зулфиқоров ҳисобот маърузасини қилдилар.

Маърузалар юзасидан музокаралар бўлиб ўтди.

Конференцияда анжуман қатнашчиларининг Ўзбекистон республикаси Президенти И. Каримовга мактуби қабул қилинди.

Вилоят Ёшлар Иттифоқи қўмитасининг ташкилий пленуми бўлиб ўтди. Дамин Қобилов вилоят Ёшлар Иттифоқи қўмитасининг раиси этиб, Нормўмин Поёнов, Камол Норқобиловлар раис ўринбосарлари этиб сайландилар.

Конференцияда вилоят ҳокими Жўра Норалиев, Ўзбекистон Ёшлар Иттифоқи Марказқўми биринчи котиби А. Орзиматовлар қатнашдилар ва нутқ сўзладилар.

[Конференция ҳақидаги батафсил мақолани газетанинг келгуси сонларида ўқийсиз].

[Ўз мухбиримиз].

ШУ СОНГА ХАБАР

БОШ ВАЗИРНИНГ ЯНГИ УРИНБОСАРИ

ЎЗБЕКИСТОН Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг шу йил 23 апрелдаги фармонига мувофиқ Тўлқин Мирходиевич **МИРЁҚУБОВ** Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари этиб тайинланди.

МУКОФОТ МУБОРАК!

МАМЛАКАТИМИЗ Президенти кўп йиллик самарали фаолияти, ўзбек адабиётини ривожлантиришдаги хизматлари ва жамоат ҳаётида фаол қатнашгани учун ёзувчи Ғулом Аминжонович **АЛИМОВ (ШУҲРАТ)**ни Ўзбекистон Республикасининг фахрий ёрлиғи билан мукофотлаш тўғрисида фармон чиқарди.

ХАЛҚАРО ХАЙРИЯ ЖАМҒАРМАСИ

ПРЕЗИДЕНТИМИЗ келажак авлоднинг саломатлигини таъминлаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, болаларнинг жисмоний, ақлий ва маънавий камол топиши учун қулай шарт-шароит яратиш мақсадида ва меҳнат жамоалари, саноат корхоналари, жамоат ташкилотлари, бир қанча хорижий компаниялар ва фирмаларнинг кўпдан-кўп мурожаатларини эътиборга олиб, ҳукуматга қарашли бўлмаган «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси ташкил этиш тўғрисида 23 апрель куни фармонга имзо чекди.

Шу фармонга мувофиқ барча вилоят марказларида ва Тошкент шаҳрида жамғарманинг филиаллари ва бўлинмалари ташкил этилади.

НОЁБ ҚЎЛЁЗМАЛАР ДЎКОНИ

Фарғона Давлат дорилфунуни ўзбек адабиёти кафедраси қошида «Шарқ қўлёзмалари лабораторияси» ташкил этилди. Бу ерда ноёб қўлёзма ва тошбосма асарлар йиғилади ва ўрганилади. Дорилфунун аҳоли қўлидаги шундай китобларни харид қилиш учун маблағ ажратди. Бундай нодир асарлар эски ўзбек ёзувини ўрганувчи талабалар учун илмий лаборатория ҳам бўлади. Дорилфунунда махсус дўкон очилади. Унда аҳоли қўлидаги китоблар харид қилинади ва янгидан нашр этилгани сотилади.

ЁЛҒИЗ ОНА... ТАЛОНЧИ

Яқинда Урганч шаҳар халқ суди эндигина 20 ёшга кирган Нигора Бекжонованинг жиноий ишини кўриб чиқди. Нигора навқирон аёл, битта боласи бор, лекин ҳеч қаерда ишламайди. У ўтган йил 13 октябрь куни шаҳар марказий бозори яқинидаги заргарлик дўконидан чиқиб келаётган фуқаро З. Отаеванинг йўлини тўсади ва зўрлик ишлатиш билан қўрқитиб унинг тилла зирагини ечиб олади.

Қизиғи, талончининг уйи тинтув қилинганда ундан совуқ қурол ҳам топилган.

Ҳеч қаерда ишламаслик, ҳаром-хариш тирикчилик қилиш йўлига киришнинг оқибати ҳамма вақт вой. Буни Нигора ўз бошида синаб кўрди. Негаки, суд қарори билан у беш йил муддатга қамоқ жазосига ҳукм қилинди.

МУАЛЛИМЛАРИМИЗ— САҲНАДА

Яқинда пойтахтдаги Раззоқ Ҳамроев номли 253-мактабга Юнусобод туманидаги мактабларнинг санъаткор ва ижодкор ўқитувчилари йиғилдилар. Бу мактабда туман Халқ таълими бўлими ташаббуси билан «Санъаткор ўқитувчи-93» кўрик танлови бўлиб ўтди. Мактабимиз ўқитувчилари ҳам бу кўрикда ўз бадиий маҳоратларини намойиш этдилар. «Бадиий ўқиш» мусобақасида она тили ва адабиёти фани ўқитувчимиз Маҳмуда Валиева Сулаймон Боқирғоний ғазалига ёзган «Иймондин ортуқ» номли мухаммасларини ўқиб бердилар. Шунингдек, Зарофат Усмонова, Азиза Жамолова, Сабоҳат Ирисова, Муҳайё Убайдуллаева ва бошқа ўқитувчиларимиз ижро этган «Келтурса юз балони», «Омонёр», «Сарвиноз», яккахон хонандалар Гулмира Ортиқова, Муҳайё Қосимовалар ижросидаги «Эй нозанин» каби қўшиқлар дилга ором бағишлади. Айниқса, Маҳфуза Қосимова, Рихсия Мирвалиева каби ўқитувчиларимизнинг шўх рақслари ҳаммада завқ уйғотди.

Бу кўрик танловда 96, 260, 12-мактаб ўқитувчиларининг ижролари ҳам юксак баҳоланди.

Сардор НИҒМАТОВ,
Юнусобод туманидаги Юсуф Мўминов номли 274-мактабнинг 10-«Б» синф ўқувчиси.

Халқ таълими: бугун ва эртага

Истеъдодли ёшларга эътибор

Муболаға эмас: Ўзбекистоннинг турли вилоятларидаги охирги синфларнинг 58 нафар ўқувчиси ҳозирнинг ўзидаёқ — олий ўқув юртларига ёзги кириш имтиҳонларидан анча аввал олий мактаб талабаси бўлиб қолдилар. Улар математика, физика, химия, тарих, география фанлари юзасидан Тошкентда бўлиб ўтган республика олимпиадалари охирги даврасида ғалаба қозонганликлари учун шундай имтиёзли ҳуқуққа сазовор бўлдилар.

Мусобақалар мактабларда ўқитиладиган 17 та фан юзасидан ўтказилди. 10—11-синфларнинг ўқувчилари ихтиёрий равишда ўрганаётган ҳуқуқшунослик фани ҳам олимпиада дастурига биринчи бор киритилди.

Тошкентлик Вероника Рудановская ўзи истаган олий мактабнинг филология факультетига, наманганлик Дилором Жўраева шарқшунослик институтига, хоразмлик Зариф Собиров математика факультетига, сурхондарёлик Алишер Ўсаров география факультетига имтиҳонсиз қабул қилинадиган бўлдилар.

— Гарчи илгариги олимпиадаларнинг совриндорлари ҳам кириш имтиҳонларида баъзи бир енгилликларни олган бўлсалар-да, истеъдодли ёшларни аниқлайдиган бундай тажриба республикамизда биринчи бор ўтказилди, — дейди Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги республика ўқув-методика маркази директорининг ўринбосари Н. Г. Солихўжаева. — Бу нарса кишини қувонтиради, чунки Ўзбекистон мустақилликка эришгач, саводли ва маълумотли мутахассисларни кўпроқ тайёрлаш масаласи кўндаланг бўлиб қолди. Уларни тарбиялашни эса мактабданоқ бошламоқ керак. Республика Президентининг истеъдодли ўқувчи ёшларни рағбатлантириш тадбирлари тўғрисидаги қарор билан боғлиқ фармони ҳам шу мақсадни кўзлайди.

Республикада таълим тизими янгиланаётганини эътиборга олиб, истеъдодли ёшларни аниқлашга киришилди. Махсус дастур асосида барча вилоятларда истеъдодли ва қобилиятли болалар қидирилмоқда.

Олимпиадаларда болаларнинг билимини текшириш учун биринчи бор тест услубидан фойдаланилди. Бу услуб ёшларнинг билим савиясини холисона баҳолаш, бирёқламаликка йўл қўймаслик энг истеъдодли йигит ва қизларни рағбатлантириш имконини беради.

Мактабларда ўқитиладиган фанлар юзасидан мусобақаларда умумий таълим мактаблари, лицейлар ва ҳунар-техника билим юртларининг бир ярим мингдан кўпроқ ўқувчиси қатнашди. Шундан 133 йигит ва қиз ғолиб деб топилди. Диплом ва пул мукофотлари билан тақдирланди. Олимпиада якунлари юзасидан уларнинг кўплари конкурсдан ташқари олий ўқув юртларига, ўрта махсус ўқув юртларига қабул қилинди, ёш ҳуқуқшунослар олимпиадасининг беш ғолиби ҳуқуқшунослик коллежига имтиҳонсиз қабул қилинадиган бўлди.

Л. СТРУННИКОВА,

Дала юмушлари

КЕТМОНЛАР ЗАНГИ АРТИЛДИ

Деҳқоннинг куни туғди. Энди у даласига, дала унга ҳамроҳ. Экин-тикинни қилгунча тиним йўқ. Нари борса, уруғ майсага айлангунга қадар бироз дам олар. Кейин яна меҳнат. Тунлари бедор, тонги беҳаловат, уйқусизлик. Рўзғор тиклаш, бола боқиши шу туфайли бўлгач, қимирламасинми? Қимирлайди-да.

Кўрдик. Замон ўзгарди. Ҳаёт ўзгарди. Инсонлар ўзгарди. Кўрдик. Деҳқон ўша-ўша. Илгаригидек саховатли. Илгаригидек одамшаванда. Борини дастурхонга қўяди. Қизғанмайди. Даласиям кенг, Бағрияем кенг. Бировнинг ҳақидан ҳазар қилади. Пахтакориям, чорвадориям, боғбониям.

Ўзгага ўнини берсанг, худо сенга мингини беради, дейдилар. Деҳқонга юқди, бу. Ўшандан у ризқли, насибали. Топармон-тутармон. Замона зайлига кўра тортиб олинган ериям қайтариб берилди. Экади, ўради, роҳатини кўради. Китоб туманидаги Карл Маркс номли жамоа хўжалиги деҳқонларига ҳам тегишли бу. Уларам деҳқондек, деҳқон.

Туман Ёшлар Иттифоқи қўмитасининг биринчи котиби Шавкат Норқобилов билан хўжаликка бордик. Баҳорги юмушлар, яшаш шароитлари ҳақида касаба уюшма раиси Зиёдулла Шукуров билан гурунглашиб ўтирибмиз.

— Бизда ёмон яшамайдилар. Ҳамманинг турмуши ўзига яраша. Оғилида моли, омборида дони бор. Илгарияем шундоқ бўлган, ҳозирам шу.

— Далада ишлайдиганлар сони қанча? — сўраймиз З. Шукуровдан.

— Кўп. 1410 киши. Ўшалар кучига ишониб 2035 гектар ерга деҳқончилик қиламиз. Асосий эътиборимиз пахтага қаратилгани билан 400 гектар буғдой, 50 гектар шоли, яна шунча майдонда маккажўхори етиштирамиз. Деҳқонгаям, хўжаликкаям фойда келтиришини ўйлаб, 92 гектар жойга сабзавот, 20 гектарга полиз экдик.

Хўжалик фақат деҳқончиликнинг ўзи билан чегараланиб қолгани йўқ. Чорваси ҳам бор. 820 бош сигир, 555 бош қўй боқилади. Пахтага ажратилган ер 880 гектар.

Оғир иқтисодий танглик манаман деган корхона, ташкилот, хўжаликларни синдирди. Илгари туман, вилоятда бой ҳисоблангандарам қарзга ботган. Бунга сабаб мингта. Аммо К. Маркс номли жамоа хўжалиги ҳамёни ўтган йили ҳисоб-китобига кўра ҳам ёмон бўлмади. 71 миллион сўм даромад қилинди. Фойда 21 миллион! Фақат биргина соҳа — пилладан зиён қилинди. 1 миллион 500 минг сўм.

— Сабабини айтадиган бўлсам, — дея суҳбатни давом эттиради З. Шукуров, — биз пилла асраганларга ҳар килосига 55 сўмдан тўладик. Давлат эса анча арзон ҳақ берди.

Барибир ёмон бўлмабди. Ортиқча пул бола-чақаси, ўзига тин бермаган пиллакорнинг чўнтагига кирибдику.

Энг оғир масалалардан бири уй қуриш. Шиферини топса, ёғоч йўқ ёки тахта. Ўшандан-да кўп жойларда иморат солиш тўхтаб қолди. Уй-ҳовли учун ажратиб берилаётган майдонлардан фойдаланолмай ётибдилар. Аммо К. Маркс номидаги жамоа хўжалигида иморат солиш давом этаётир.

— Саксон кишига уй солишга жой бердик, — дейди жамоа хўжалиги раиси Маҳмуд Султонов. — Ҳаммаси ишни бошлаб юборган. Пахсадан иморат тиклашаяпти.

— Ёғоч муаммоси қандай? Суҳбатдошимиз гапини бўламиз.

— Хўжалигимиз ҳудудидан Макрид массивига қадар тўрт қатор тол-терак экканмиз. 15 километрли масофага. Шулар етилиб қолган. Халққа бераяпмизда.

— Ўша тол-тераклар ўн йилга етар, ўн беш йилга етар, кейинчи?

— Буниям ўйлаб қўйганмиз. Яқинда икки гектар ерга терак экдик. Ҳаммаси тутиб кетса, 169000 дона ёғоч бор дегани. Буни 10 минг нафарли аҳолимизга тақсимланса, 169 донадан тегади. Бир иморатга шунча ёғоч кетар-да.

Етакчининг уддабурро бўлгани яхши. Халқнинг руҳиниям кўтаради, бошиниям силайди. Маҳмуд акада ана шу хислат бор. Ишчан одам. Бағри кенг. Нияти одил.

Бир рўзғорга ҳамма нарса бўлиши керак. Хўжаликка ҳам шу. Қовун-тарвузи ўзидан чиқади, молига хашак, картошка-пиёз бўлсин, етарли. Мева-чева ғамиям ўйлаб қўйилган. 30 гектар боғ, 12 гектарли узум халқнинг ризқи.

— Ҳозир бировдан умид қиладиган замон эмас. Ички имкониятлардан фойдаланяпмиз. Еримиз бор, ўқувимиз бор. Лимонзор барпо қилмоқчимиз. Бир гектар майдонни шунинг учун тайёрладик. Ўйлаб кўрилса, балиқ хўжалиги ташкил этсак ҳам бўларкан. Сапарча, ГЭС кўллари ва Бештерак қишлоқларида ҳавзаси икки гектарли кўл ҳозирладик. Вилоят балиқ хўжалигидан келтириб, ташланган сазанлар иқтисодимизнинг бир томонини кўтаради.

Маҳмуд Султонов шулар ҳақида гапираётиб қўшиб қўйди.

— Хўжалигимизни Тўхтамиш Чориев бошлиқ туман ветеранлари оталиққа олишган. Отахон қарияларнинг дуосиям катта ишларга ундайди бизни. Кексаларда гап кўп-да.

Ҳозиргача хўжаликдаги юмушлардан эл рози. Ейиш-ичишдан қийналаётган оилалар кам. Тўйлардаги харажлар қисқараётган бўлса бордир. Аммо одамгарчилик, саҳийлик, меҳмоннавозлик каби инсоний хислатларга путур кетгани йўқ.

Манзарали дарахтларни кўпайтириш «кампанияси» К. Маркс номидаги хўжаликдаям из қолдирганди. Ҳозир ўша «манзарали» қарағайлар қирқилиб, ўрнига ёнғоқ экиляпти. 300 туп ёнғоқзорга сал бурун яна [illegible] туп қўшилди. Деҳқон ўраб-чирмаб қўйган кетмонининг зангини артиб, кечагина экан олма, ток, шафтолилари бугун тонгда хўжаликда туғилган чақалоқларнинг ризқи. Унисиям, бунисиям ҳали мурғак. Бу ёғи энди тарбияга боғлиқ.

Қурбон АЛИ,
«Туркистон»нинг ўз мухбири. Китоб тумани.

ТЎЙ СОВРИНИ—НОРТУЯ

Бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида эҳтиёжманд оилаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш республика Президенти ва ҳукумати юргизаётган сиёсатнинг муҳим жиҳатларидан бирндир.

Олот тумани ҳокимлиги 42 нафар ёшнинг бошини қовуштиришга — никоҳ тўйларини ўтказиб беришга қарор қилди.

24 апрель — бугун Олот шаҳридаги марказий ўйингоҳда дошқозонлар қайнайди. Карнай-сурнай садоси борлиқни тутади. Минглаб олотликлар, қўшни туркман диёридан, жумҳуриятимизнинг турли вилоятларидан келган азиз меҳмонлар бахт ва никоҳ тўйининг гувоҳи бўлади. Олот тумани ҳокими Ғафуржон Ботировнинг таъкидлашича, тўй шодиёналари Олот тумани ташкил этилганининг 50 йиллиги тантаналарига уланиб кетади.

Сўнгги йилларда олотликлар пахта тайёрлаш йиллик режасини жумҳуриятда биринчи бўлиб бажариб келмоқда. Бу йил ҳам ерга барака уруғи барвақт қадалди. Ғўзага ишлов бериш бошлаб юборилди. Даромадга яраша баромад деганларидек, режадан ортиқча етиштирилган пахтани сотиш ҳисобига туман ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан ривожланяпти. Пахта тозалаш, консерва заводлари қурилиши давом этмоқда, иш ўринлари кўпаймоқда.

...Яна бўлажак тўй ҳақида. Курашсиз тўй — тўйми, дейди олотликлар. Полвонларнинг энг кучлиси ғаройиб соврин — туманда истиқомат қилаётган қозоқ чорвадорлари номидан нортуя олади. Иккинчи ўринни эгаллаган полвон ҳам «ҳафа» бўлмайди. Олот бўрдоқичилик идораси соврин тариқасида битта бузоқ ажратди. Мардона меҳнат қилаётган олотликлар азиз фарзандларига қувонч бахш этишни ҳам билади. Хуллас, висол оқшомига шоҳид бўламан десангиз, «тўйлар муборак»ни айтиб, Олотга келаверинг!

Илҳом САФАРОВ,
ЎзА мухбири.

Ҳиндистон—Ўзбекистон:

Олий мактаблар ҳамкорлиги

Ўзбекистон ва Ҳиндистон пойтахтлари ўртасидаги йўл Тошкент давлат шарқшунослик институтининг талабаларига ёд бўлиб кетди. Бўлажак ҳиндшунослар яқинда яна сафарга чиқишди. Бу гал иккала мамлакат ўқувчи-ёшлар ўртасидаги алоқаларни мустаҳкамлаш мақсад қилиб қўйилган. Деҳлида улар таниқли филолог олимлар билан, Шарқ адабиётини ўрганувчи касбдошлари билан учрашадилар. Тошкентлик талабалар Деҳли университетидаги тенгдошлари учун катта концерт дастури тайёрлашган. Дастурга ҳинд қўшиқлари ва рақслари, таниқли ҳинд ёзувчилари асарларидан саҳналар киритилган.

Чет эл сафарининг яна бир муҳим мақсади Ҳиндистон ва Ўзбекистон олий ўқув юртлари студентларининг бир-бирлари ҳузурига сарф-харажатсиз бориб келишлари тўғрисида шартнома тузишдир. Бу масала ҳозир Тошкент Давлат шарқшунослик институти учун жуда муҳим бўлиб турибди. Ўзбекистон мустақилликка эришгач, бевосита алоқа ўрнатиш мумкин бўлиб қолди. Тошкентда ҳиндшунос мутахассислар тайёрлаш мактабининг савияси юксаклиги республика ташқарисида ҳам маълум. Бу иш талабалар ва муаллифларнинг албатта, Ҳиндистонга бориб, тажриба ўрганиб келишлари анъанасига асосланган. Бунинг нақадар муҳимлиги ҳозир ҳам тан олинмоқда. Шу сабабли Ўзбекистон Олий ва Ўрта махсус таълим вазирлиги билан Ҳиндистон томони ўртасидаги шартномага биноан Тошкент Давлат шарқшунослик институти ҳинд филологияси кафедраси икки муаллимининг Ҳиндистон университетида бир йиллик тажриба ўрганиши расмийлаштирила бошлади.

Кўп йиллик ҳамкорлик даврида йўлга қўйилган алоқалар ҳозирги кунда амалий ишлар билан мустаҳкамланмоқда. Шарқшунослик институтининг доимий ҳамкори — Ҳиндистондаги «Фортжун интернешнл лимитед» фирмасидан тошкентлик студентлар учун Деҳли университетига сафар қилиш ҳақида таклифнома олинди. Сафар харажатлари ўзбекистонлик ҳомийлар — «Ўзбек маскани» ишлаб чиқариш-тижорат компанияси билан республика ишбилармонлари уюшмаси томонидан тўланадиган бўлди.

Ҳиндистонлик дўстлар институтнинг илмий кутубхонасини тўлдиришга бебаҳо ҳисса қўшмоқдалар. Март ойида улар яна 500 та китоб совға қилишди. Камёб ва нодир нашрлар мажмуи Ҳиндистоннинг Тошкентдаги элчихонаси орқали топширилди. Ҳиндистон университетида тажриба ўрганаётган ҳамда Ҳиндистоннинг Васхабатна шаҳрида республикамизнинг маданият марказида ишлаётган бир неча муаллим. ҳинд ва ўзбек ҳамкорлар ўртасидаги ўзига хос «кўприк» вазифасини ўтамоқдалар. Яқинда Деҳли университетида ҳинд филологияси кафедрасининг доценти Т. Хўжаеванинг «Панжоб адабиёти» китоби таништирилди. Таништириш маросими завқли ўтди. Ўзбекистонлик муаллима ўз ишини давом эттириши учун Ҳиндистонга таклиф этилди. Яқинда у илмий сафарга жўнаб кетди.

Институтда дарс бериш сифатини ошириш ҳақида доимо ғамхўрлик қилинмоқда. Афсуски, чет эллардан муаллимлар таклиф қилиш учун Тошкент Давлат Шарқшунослик институтининг маблағи йўқ. Аммо бир амаллаб бунинг иложи топилди. Ўзбекистонга бошқа идоралар йўли билан келаётган кўпгина ҳинд мутахассислари тошкентлик ҳиндшунослар учун бир неча ёки ҳатто туркумли лекциялар ўқишга лутфан рози бўлмоқдалар. Ҳиндистон Республикасининг Ўзбекистондаги фавқулодда ва мухтор элчиси рафиқаси Мехта Бону тез орада кафедранинг «штатдан ташқари» муаллимларидан бири бўлиб қолади. Мехта Бону ҳинд адабиётидан доимий лекциялар ўқишга розилик берди.

А. ИВАНОВА,
ЎзА мухбири.

Шахсий фикр

Карахтликдан кечарак...

Икки-уч йил аввал таниқли шоирлардан бири, яқин дўстим янги босилган шеърлар тўпламидан бир донасига дастхат битиб, совға қилди. Қувондим. Кечаси варақларканман, қизиқ бир тузатишларга дуч келдим: айрим шеърларда учрайдиган барча «Ленин» номи «Аллоҳ» дея қаламда тузатилган эди. Нашъа қилди. Шоирга ачиндим.

Биринчи синфнинг «Ўқиш» китобидаги ажойиб бир болалар шоирининг «Ўқинг аъло, бўлинг доно» деган хушмаъно, даъваткор шеърини аксариятимиз ёд олган, муаллимларга, синфдошларга, ота-онамизга айтиб берганмиз. «Болаларнинг ягона дўсти» васиятига амал қилиб, биримиз ўртача, бировимиз аъло ўқидик, доно бўлдикми, бўлмадикми, буни эл билсин. Боланинг тилига ўнғай нақоратдан бошланган сиғиниш биргина шеър ёдлаш ёхуд Владимир Ильич туғилган кунни умрбод эслаб қолиш тугамас, умрининг барча фаслларида бу зотнинг инқилобий ақли-идрокига, васиятларига биноан барпо этилган Тузумга бош урар эканмиз. Фикри ожизимча, ҳозирги кунда кўпгина миллатчи, шошқалоқ муаррихлар ва адиблар куйинаётганидек ота томонидан дашти қалмоқларга, она жиҳатидан олмон яҳудийларига бориб тақаладиган Владимир Ульянов XVI—XIX асрлар давомида тийиқсиз ва тинимсиз кенгайиб борган Рус империясини чилпарчин этиб, унинг ўрнида XX асрда энг катта давлатни шакллантирмади, у Тузумга асос солди. Бу таълимот асрлар мобайнида қон кечиб, боши бириктирилган, салтанат ва унинг вассаллари ҳудудида кун кечириб келган халқларнинг илғор жиҳатларини емириши баробарида инсон боласига хос тубан, ашаддий туйғуларни жунбушга келтирди ҳамда дунёни қайта бузиб-тузишга аҳд қилган ёвуз ниятларни бир ўзанга йиға олди. Қисқаси, жамоага суянишда мужассам ялқовлик, биргина таълимоти тўғри, деб ишонишда акс этган фикрсизлик, бировни сотиб, омон қолишда барқарор чақимчилик, жисмоний, маънавий ёлғизликка асосланган карахтлик тузум пойдеворига қўйилган қийшиқ ғиштларга айланди.

Башарият тарихида ўчмас из қолдирган пайғамбарлар ва донишмандларни шахс сифатида тушуниш бирмунча осон. Барча диний ва фалсафий таълимотлар одамзотнинг Коинот олдидаги ожизлигини тан олади, уқтиради, қалбни овунтиради ва яшашга чорлайди. Шоирлар «энг буюк инсон», «энг одил пайғамбар», ҳатто «худо» дея алқаган Владимир Ульяновнинг таълимоти эса табиат ва башарият силсиласида энг мўрт ҳалқа бўлмиш инсон заифлиги туфайли қасос ва ҳасадга мойил одам боласидаги барча маҳдудликларни юзага чиқарди. Унинг бу қудратга қандай эришганини тушуниш анча мушкулдир. Фақатгина Замон ва Макон энг тўғри хулосани чиқаражак.

Инсоният тарихида шундай одил бир анъана бор: 50—70 йил давомида янгиланган таълимот, 300—400 йил кечгач, парчаланмаган салтанат ҳақиқий таълимот ва давлат саналмайди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов мухбирлар билан суҳбатлашаркан, бир ажойиб фикрни ўртага ташлаган эди: «Ўзбекистонда, Марказий Осиёда коммунизмнинг ҳақиқий назариётчилари ва амалиётчилари бўлмаган». Бу топиб айтилган хулоса. Имом ал-Бухорий, имом ат-Термизий, ибн Сино, Абу Райҳон Беруний, Абу Умар Чағминий, имом аз-Замахшарий, Баҳовуддин Нақшбандий, Алишер Навоий сингари буюк зотлар дунёга келган юртда ёт таълимот томир ёя олмас, илдиз отганда ҳам Абадият тошларига тегиб, қурур эди.

Владимир Ильич Лениннинг маъбудсимон ҳайкаллари бир-бир қуламоқда. Ўғит омборига айлантирилган муаззам масжид-мадрасалар, гулханга отилган қадимий китоблар ва ноҳақ ўлдирилган асл фарзандлардек қурбонларимиз руҳи, мустақиллик деб аталмиш боқий мафкуранинг покиза дарёси бизни ёт маъбудалардан тезроқ фориғ бўлишга ундамоқда.

Доҳий таваллуд топган кунда ана шуларни кўнгилдан кечирдим.

Барнобек ЭШПУЛАТОВ.

БУ КЎҲНА ДУНЁ

ВОҚЕАЛАР·ХАБАРЛАР·ҲОДИСАЛАР

● **ЯҚИНДА жаҳон авиакомпаниялари рўйхатида «Тожик-Эйр-Тожикистон» деган ном пайдо бўлди. Тожикистон самолётлари жумҳуриятнинг миллий байроғи тасвири билан уча бошлади.**

● **ИРОҚ ҲУКУМАТИ эронликларнинг Ироқдаги муқаддас Ислом обидаларини зиёрат қилишларига рухсат беришга тайёр. «Аш-Шарқ ал-Авсат» газетасининг хабар қилишича, Бағдод билан Теҳрон 1980 йилда Эрон—Ироқ уруши бошланиши билан диндорлар ўртасида тўхтаб қолган икки томонлама алоқаларни қайтадан тиклаш имкониятини ўрганмоқдалар.**

КЕЧА
БУГУН
ЭРТАГА

● **ИНДОНЕЗИЯНИНГ Хальмахер ороли яқинида Рихтер жадвали бўйича 6,5 балл куч билан ер қимирлади. Зилзила маркази Тарнате шаҳридан 350 километр нарида, денгиз қаърида. Бултур Флорес ороли яқинида шунча куч билан содир бўлган зилзила даҳшатли тўлқин қўзғаган ва икки ярим минг кишини ҳалок қилган эди.**



ИСПАНИЯ. Мадриддаги кўчалардан бири.

Р. ЖАББОРОВ сурати.

ХОРИЖДА НИМА ГАП?

ХИТОЙ ДОИМО ҳамма давлатлар муносабатларни тинч-тотув яшашнинг бешта қоидаси асосига қуришлари ҳамда тенг ҳуқуқли ва ўзаро манфаатли савдо-иқтисодий алоқаларни ривожлантиришлари лозим, деб ҳисоблаб келди, деди ХХР Раиси, ХКП Марказий Қўмитаси Бош котиби Цзян Цзэминь. Синьхуа агентлигининг хабар қилишича, Хитой раҳбари «катта ва кичик барча мамлакатлар ижтимоий тузумни ва ривожланиш йўлларини ўз шароитларига мувофиқ равишда танлаб олиш ҳуқуқига эга бўлишлари керак», деб таъкидлаган.

БИЛЛ КЛИНТОН маъмурияти Оврупо ҳамжамиятига аъзо бўлган 12 мамлакатга нисбатан «савдо-сотиқ соҳасида қисман жазо чоралари» жорий этилишини эълон қилди. Бунга сабаб АҚШ билан Оврупо ҳамжамияти ўртасида савдо-сотиқ соҳасидаги, жумладан, икки томонлама ҳукумат шартномалари борасидаги зиддиятларни бартараф этиш мақсадида бу ерда ўтказилган икки кунлик музокара натижасиз тугаганидир.

ИРОҚ ТОМОНИДАН Қувайтга тажовуз қилиниши сабабли Форс кўрфази атрофида рўй берган можаро натижасида араб миллати 676 миллиард доллар зарар кўрди. Бу — 21 та араб давлатининг 18 ой мобайнида ишлаб чиқарадиган жами ялпи миллий маҳсулотига тенг. Араб валюта жамғармасининг бу ерда эълон қилинган маълумотномасида шу рақамлар айтилган.

Тажовуз натижасида Ироқнинг ўзи 237 миллиард доллар, Қувайт эса 240 миллиард доллар иқтисодий зарар кўрган.

Арзончилик даврлари ўтиб кетди. Эндиликда оилада бирон киши оғриб қолса дори топишнинг ўзи ҳам муаммо. Тўғрисида, қадимда ота-боболаримиз, дорихона нималигини билишмаган. Энг зўр шифони табиат инъом этганлигини яхши билишган. Олхўри, беҳи, қовун қоқи, ўриклар минг хил дардга даво бўлган. Буни Фарғона вилояти Бешариқ туманидаги Ўзбекистон жамоа хўжалигидагилар яхши билишади. Шу туфайли хўжаликда консерва цехи ташкил қилинди. Цехда ҳар куни 10 минг шартли банка консерва тайёрланмоқда. Маҳсулотлар болалар боғчаларига, шифохоналарга берилмоқда. Хўжалик меҳнаткашлари эса ўзлари учун арзон нархда сотиб олмоқдалар.

СУРАТЛАРДА: Цехнинг энг илғор ишчиси Рўзихон Сотволдиева; тайёр маҳсулот омбори.

Сураткаш Р. АКБАРАЛИЕВ.

РАНГ-БАРАНГ ОЛАМ

ЕТТИ МАРТАЛАБ «ҚАҲРАМОН» БЎЛГАН ОНА

● СОБИҚ СССР даврида ўн болани туғиб, тарбиялаган онага «Қаҳрамон она» унвони берилгани барчамизнинг хотирамиздан ҳали ўчгани йўқ. Агар худди шу нуқтаи назардан қарайдиган бўлсак, Чилидаги қишлоқлардан бирида яшовчи Леонтина Эспиноза етти марталаб «Қаҳрамон она» унвонини олган бўларди. Негаки, унинг 73 нафар фарзанди бор. Ҳозир у олтмиш ёшда. Бироқ шу ёшда ҳам етмиш тўртинчи фарзандни кутмоқда, яқин орада кўзи ёрийди.

У 16 марта одатдагича туққан, 23 марта эса кўплаб, яъни 12 марта эгизак, 11 марта эса уч эгизак туққан. Аммо Эспинозанинг кўп фарзандлилик хислати болаларига негадир «юқмаган». Унинг атиги 11 нафар набираси бор холос.

УТА СЕЗГИР МУШУК

● Ҳиндистон божхонасида олтин контрабандасига қарши қаттиқ кураш бошланган. Шунинг учун божхона замонавий электрон асбоблар билан мукам жиҳозланган. Бироқ бундан ташқари божхонадагилар тирик жонзотлар хизматидан ҳам фойдаланишмоқда. Масалан, Ҳайдаробод аэропортидаги божхонада ишловчи Сваранг Марамбани йўловчиларни ўз мушуги — Допси ёрдамида текширишдан ўтказади.

Мушук соҳиб ёнида махсус стулчада ўтиради. Унинг ёнидан авиайўловчилар бир-бир ўтади. Кимда олтин бор бўлса мушук дарҳол миёвлайди. Яқинда мушук тушмагур «янглишиб» миёвлаб юборди. Божхона хизматчилари йўловчини роса титкилашди, ҳеч нарса топишолмади. Лекин Допси бекорга миёвламаган экан, йўловчи думалоқ олтинни ютиб юборган экан. Буни фақат рентген ёрдамидагина аниқлашолди, деб хабар беради «Ҳиндустан таймс» газетаси.

Академик Тошмуҳаммад Алиевич Саримсоқов ўттизинчи йилларнинг иккинчи ярмида САГУ (ҳозирги ТошДУ) физика-математика факультетида дарс берган. Профессор Омонулла Файзуллаев у кишининг математик таҳлил, олий алгебра ва эҳтимоллар назариясидан дарсларини тинглаган. Ҳа, ўша вақтда бирлари доцент, иккинчилари талаба эди. Устоз ва шогирд. Улар мана ярим асрдан ортибдики, кўп кўришиб туришар эди, лекин бундоқ мириқиб, бемалол суҳбатлашишга, эҳтимол, вақтлари бўлмагандир. Бундай суҳбатнинг вақти ҳам келди, шекилли. Қуйида уларнинг қалб хотироти билан тўлган мулоқотини беряпмиз.

ТОҒ ТОҒ БИЛАН УЧРАШМАЙДИ

ЁҲУД УСТОЗ БИЛАН ШОГИРДНИНГ 56 ЙИЛДАН КЕЙИНГИ СУҲБАТИ

- ● УСТОЗ-ШОГИРДЛИК УЗ ЙУЛИГА, У ДАВЛАТ ИШЛАРИГА ХАЛАЛ БЕРМАСИН.
- ● МАТЕМАТИКА ҲАМ ТИЛДИР.
- ● АСТРОНОМИЯДАН БИТТА ҲАМ ДОКТОРИМИЗ ЙУҚ. НЕГА?
- ● ИЛМНИНГ МИЛЛИЙ ЧЕГАРАСИ БУЛМАЙДИ.
- ● «ДИН МЕНГА КЕРАК ЭМАС, ЖАМИЯТГА КЕРАК».
- ● АКАДЕМИЯЛАРНИ ТАРТИБГА СОЛИШ — ДАВР ТАҚОЗОСИ.

Тошмуҳаммад Алиевич САРИМСОҚОВ — УзРФА академиги, Меҳнат қаҳрамони, Иттифоқ ва Беруний номидаги Давлат мукофотлари лауреати, физика-математика фанлари доктори, профессор, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби.

Омонулла Файзуллаевич ФАЙЗУЛЛАЕВ — Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, Беруний номидаги Давлат мукофотининг лауреати, фалсафа фанлари доктори, профессор, фалсафа фанлари бўйича Республика мувофиқлаштириш кенгашининг раиси.

Омонулла ФАЙЗУЛЛАЕВ (О. Ф.): Ассалому алайкум домла. Соғ-саломатмисиз. Сизни кўрсам, ўша САГУ, ўша физмат кўз олдимда гавдаланади. Кечирасиз, гапнинг очиғини айтсам, домлалардан фақат Сиз, бизнинг группамиздаги талабалардан мен ва Аъзам Самиғжонов қолибмиз. Аллоҳга минг шукр, мана ёшимиз 70 дан ошиб кетди. Шу билан бирга, афсус, ўша вақтдаги меҳрибон устозлар, иқтидорли толиблар бундоқ қарасангиз, оламдан ўтиб кетишибди. Уларнинг кўпчилиги Улуғ Ватан урушида ҳалок бўлишди...

Мен 1937 йил 1 сентябрда САГУ физматида ўқишни бошлаганман. Сиз олий алгебрадан лекция ва математик таҳлилдан амалий машғулот олиб борар эдингиз (лекцияларни Т. Қори-Ниёзий олиб борар эдилар). Бизнинг ўзбек группамизда Яҳё Садриддинов, Илёс Абдуллаев, Аъзам Самиғжонов, Маннопов, Аъзамов, Маҳкамов ва бошқалар, умуман курсимизда яна Виктор Губин, Михаил Петросянц, Ловцов, Филимонов, Каминский, Девеев, Гордиенко ва бошқалар бор эди. Баъзи дарсларни бир курс кейинги группалардаги студентлар (М. Султонова, С. Сирожиддинов, В. Қобулов, А. Токомбоев ва бошқалар), гоҳо юқорироқ курслардаги Абел Салимов, Азиз Қориев, Костя Аржаных, М. Орифхонова, Зельтин, Хожимуллаев, Зуев, Болдинскийлар билан биргаликда эшитардик. Ўшанга ҳам 56 йил бўлибди. Кўпчилиги оламдан ўтиб кетишди. Бизнинг курсимизда битта ҳам аёл ўқимас эди, юқори курсларда атиги тўрт қиз: Закия Зарифова, Маҳфуза опа, М. Орифхонова ва Амина Муқминова ўқишар эди. Биздан кейинги курсда Масъуда Султонова ўқир эди. Улардан бири — профессор (Орифхонова), иккинчиси — доцент, жамоат арбоби (Султонова) бўлиб танилди. Математика ва синоптикадан Сизнинг бу шогирдларингиз ҳам оламдан ўтиб кетишди.

Тошмуҳаммад САРИМСОҚОВ (Т. С.): Физматда ўқиган истеъдодли талабалар орасида ажралиб турадиган М. М. Султонова ўзбек қизлари орасида биринчи бўлиб физика-математика фанлари номзоди илмий даражасига сазовор бўлган. Бу заҳматкаш олиманинг диссертацияси менинг раҳбарлигимда бажарилган. Кейинчалик СССР Олий Совети Миллатлар Совети раисининг ўринбосари бўлди.

С. Х. Сирожиддинов эҳтимоллар назарияси курсини ТошДУда В. И. Романовскийнинг ва менинг раҳбарлигимда ўрганди. А. Н. Колмогоров 1948 йили Тошкентда эканимда мен ундан ёш олим С. Х. Сирожиддиновни доктарантурага қабул қилишни сўраган эдим.

О. Ф.: 1983 йили Ўзбекистон Министрлар Совети залида Ал-Хоразмий юбилейи қўмитасининг мажлисига таклиф қилинганлар энди йиғилишаётган эди (мен шу қўмита аъзоси эдим), орқадан келатуриб З. Р. Раҳимбобоева ўтирган С. Х. Сирожиддиновнинг ёнида тўхтади-да, бир қараб қўйиб, э, мен сизни Тошмуҳаммад Алиевич дебман, деб кўришди. Саъди Ҳасанович бунга жавобан «Тошмуҳаммад Алиевич менинг домлам бўладилар, агар мени у кишига ўхшатган бўлсангиз, мен ўзимни бахтиёр ҳисоблайман», деди. Эсимда бўлса, Раҳимбобоева ҳам урушдан олдин САГУ физматида, бинобарин Сизда ўқиган, кейин пединститутга ўтиб кетган.

Т. С.: Восил Қобулов ҳам физматда истеъдодли талаба бўлган. Ўзи астрономия бўлимида ўқиса ҳам, математика фанларидан пишиқ эди.

О. Ф.: Восил урушдан кейин академияга келиб қолган экан, уни кўриб: Қобулов, эсон-омон келдингизми, қандай ишлар билан шуғулланяпсиз? — деган экансиз. Сиз уни танинганингиздан бениҳоя суюнганини менга айтган эди.

Т. С.: Сизларнинг курсингизда, буни эътироф этиш керак. Виктор Губин ҳам зўр ўқир эди.

О. Ф.: Тўғри, ёш жиҳатидан ҳам ҳаммамиздан анча катта эди-да. Ўзи аслида назарий физик бўлсада, кейинчалик геофизикага ўтиб кетди. Дарвоқе, физмат геофизик-синоптиклар тайёрлаш маркази бўла бошлаганди, ўшанда. Математика билан метеорология фанлари бизда апоқ-чапоқ бўлиб кетишди, бир-бирининг ўсишига ёрдам берди. Геофизика бўлимини битирган география фанлари доктори Марфуа Орифхонова Тошкент политехника институтида олий математика кафедрасининг мудири бўлиб ишлади, геофизика бўлимини битирган Михаил Петросянц Ўзбекистон Фанлар академияси математика ва механика институтида етакчи олимлардан бўлди. Физматда геофизика профессорлари В. А. Жоржио ва В. А. Бугаевлар ва ўша В. И. Губин шу институтнинг директорлари бўлиб ишлашди. В. А. Бугаев, М. Петросянц ва физматни кейинроқ битирган Ю. А. Израэль Москвада Бутуниттифоқ гидрометеорология бошқармасининг раҳбарлари бўлиб ишлашди. Ҳозир «Виктор Бугаев» номли илмий кема жаҳон уммонларида барқ уриб сузиб юрибди. Математиклардан В. И. Романовский ва Сиз, Тошмуҳаммад Алиевич, эҳтимоллар назариясини ривожлантирган ҳолда уни синоптик метеорология муаммоларига қўлладингиз. Бунинг сабаби нимада?

Т. С.: Фақат геофизика билан эмас. Механика ва астрономия билан ҳам математика ҳамнафас бўлган. Масалан, бизнинг факультетда астрономиядан дарс берган машҳур олим М. Ф. Субботин Ленинград университети математика-механика факультетида узоқ муддат декан бўлиб ишлади. Бизда математик таҳлил кафедрасининг мудири Н. Н. Назаров Транспорт институтида назарий механика кафедрасига раҳбарлик қилди.

Математика билан геофизиканинг узвий боғланишига келсак, Иттифоқда метеоролог-синоптик-геофизиклар одатда география факультетлари ва гидрометеорология институтларида тайёрланар эди. Замонанинг зайли экан, биз билан сиз ўқиган ўттизинчи йиллар физматида машҳур геофизиклардан Скворцов, Молчанов, Циммерман, Шульц, Бугаев, Жоржиолар дарс беришар эди. Фанлар академиясининг математика ва механика институти ҳам бу ворисликни қабул қилиб олди. Ҳатто тоғ музликлари сирини ўрганувчи гляциология лабораторияси яратилди ва у кўп ишлар қилди. В. А. Жоржио маърузаларида етук мутахассис ва фан классиклари фикрларидан далиллар келтиришга мойил эди. В. А. Бугаев эса табиатан оғир, босиқ, сипо шахс бўлиб, юксак маданиятли, одамлар билан жуда хушмуомала эди. Раҳбар сифатида ўзига ҳам, ўзгаларга нисбатан ҳам ўта талабчан, ҳар ишда саранжом-саришта эди, хуштакаллуфи билан кишини ўзига ром этарди.

О. Ф.: Математика билан геофизиканинг ҳамжиҳатлиги устида гап кетар экан, унинг биринчи марта умумдавлат миқёсида тан олиниши деб, 1948 йили В. И. Романовский, Т. А. Саримсоқов, В. А. Бугаев ва В. А. Жоржиоларга СССР Давлат мукофотининг берилишини тушунамиз.

Т. С.: Сиз, Омонулла, ўша, ярим асрдан аввалги физматчилардансиз. Домлалардан яна кимларни эслайсиз?

О. Ф.: Деярли ҳаммаларини. Деканлик В. И. Романовскийдан А. А. Скворцовга ўтганда Сиз унинг ўринбосари бўлдингиз. Александр Алексеевични мен доимо калта қўйпўстинда, шундақанги телпакда юришини кўз олдимга келтираман. Студентларга ниҳоятда ғамхўр бир отахон профессор эди.

Т. С.: Геофизик — профессор А. А. Скворцов тартиб-қоидага қатъий риоя қилар ва бошқаларга нисбатан ҳам шундай талабчан, ўта жиддий эдики, бу ҳолат, ўз ўрнида талабалар тартиб-интизомига катта ижобий таъсир кўрсатарди. Мабодо, у «бўтам» (голубчик) дея мурожаат қилса борми, талаба дарҳол хушёр тортиб, хаёлини йиғиб оларди.

О. Ф.: Хотирангизга қойил, домла. Тўппа-тўғри, менга ҳам кўпинча «голубчик» деб мурожаат қиларди. Шу сўзининг ўзи учун ҳам, мана 55 йил бўлибдики, мен уни жуда ҳурмат билан эслайман.

Т. С.: У жуда ғамхўр, меҳрибон ва адолатпарвар раҳнамо эди.

О. Ф.: Механикадан И. С. Аржаних ва Д. Понамарев, физикадан С. В. Стародубцев, математикадан О. И. Самуэль...

Т. С.: Буни қарангки, улар билан биз бир курсда ўқиганмиз.

О. Ф.: Қизиқ-да, бир курсда ўқиган студентлардан учтаси (Т. А. Саримсоқов, С. В. Стародубцев, И. С. Аржаних) профессор, Академиянинг аъзоси бўлишган. Биттаси (О. Самуэль) кандидат. Фақат Д. Понамарев илмий унвонсиз қолган. У бўйи баланд, орикроқ домламиз эди, назарий механикадан амалий машғулот олиб борар эди, исталган масалани ечиб ташлар эди.

Т. С.: Д. Понамарев жуда истеъдодли талаба эди. У билан орамиздан қил ўтмасди. Фронтда ҳалок бўлди.

Т. С.: 1942 йили 21 май куни докторлик диссертациямни ёқлаб бўлиб, дарҳол ҳарбий хизматга навбатчиликка жўнаб кетдим.

О. Ф.: 1942 йилнинг бошларида мен Сизни «Пионерлар саройи» бекатида ҳарбий кийим ва обмоткада кўриб қолдим. Дарров олдингизга бордим. Мен ҳам армияга чақирилганлигимни айтдим. Устоз-шогирд Ватан мудофааси соҳасида бир-биримизга муваффақият тиладик. Сал ўтмай, ўша йили ўша обмоткада туриб докторлик диссертациясини ҳимоя қилганлигингиз ҳақида хабар топдим.

О. Ф.: Мен вундеркиндлар ҳақида ёзган мақолаларимда Сиз доимий мисолсиз. Николай Назаров 13 ёшида, Игорь Шафаревич 17 ёшида университетни тугатишган. Буюк математик Галуа 20 ёшида оламдан ўтган. 27—28 ёшида фан доктори, профессор, ректор, академик, вице-президент бўлган ким бор, деган саволга Сиз ҳануз мисолсиз.

Ўша вақтдаги бизнинг домлаларимизнинг баъзилари Сизнинг ҳам домлаларингиз эди. В. И. Романовский, Н. Н. Назаров, В. Г. Захаров.

В. И. Романовский ҳақида эсимда қолганлари: ўша эски бинога (ҳозирги Романовский кўчасидаги) кириши билан, йўлакнинг ўнг томонидаги китоб дўкондорига «Здраствуйте, Александр Михайлович» дейиши билан, у киши: «О, здраствуйте, Всеволод Иванович», деб бир нечта китоб олиб қўйганини айтар ва ўраб қўйилган қоғоз тугунни кўрсатар эди. Мен атайлаб эътибор берганман, В. И. кетаётганда у китоблар нималигини суриштирмай, олиб кетаверар эди.

В. И. Романовский лекцияларни юмшоқ ўқир эди. Айниқса математика дарсида лекцияни ёзиб олишда қандай стенографик символикалардан фойдаланиш кераклиги ҳақидаги машғулоти бизга жуда фойда берган.

У ўзининг «эҳтимолиёт назарияси» курсини Сизга топширганидан кейин, бу курсни биринчи бўлиб бизларга ўқигансиз. У ўзининг асосий вазифасини Сизга топширганида 60 ёшда эди.

Устозлар ва шогирдлар дейилганда иккита «занжир» эсимга тушади. Биринчиси, менинг устозим Сиз, Сизнинг устозингиз В. Романовский. Иккинчиси, Сиз академияда президентлик вақтингизда 1949 — 1952 йиллари мен аспирант эдим. Академиянинг барча аспирантлари учун умумий дарслар бир залда биргаликда ўтказилишини таъсис этдингиз. Қарангки, бир қаторда ёнма-ён ўтирибмиз: Рустам Комилов, мен, Мирсоатов. Комилов Мирсоатовга гапиряпти: мен урушдан олдинги астрономия домлам Омонулла ака билан бирга аспирант бўлиб биргаликда шогирд бўлиб қолибмиз, бу деган сўз ўз домламга етиб олибман, деб хурсанд бўлиб ўтирибман. Унга жавобан мен айтдим: мен ҳам ўрта мактабдаги немис тили домламга етиб олибман-да, мана ўтирибдилар Мирсоатов. Вақт ўтиши билан Мирсоатов чет тиллар институтининг ректори, Комилов — шарқшунос-таржимон бўлишди.

Сиз, Тошмуҳаммад ака, «Марков занжирлари»дан катта мутахассиссиз. Мен шогирдлар «занжири» ҳақида гапирмоқчиман. Академик А. Глушченко, мухбир аъзо Қ. Ғуломов ва Ядро физикаси институтининг директори Б. Йўлдошевларга улар талабалик даврларида назарий механикадан дарс берганман ва ҳар гал «5» қўйганман. Бинобарин бу таниқли олимлар Сизнинг набира шогирдларингиздир.

Гап устоз-шогирд устида кетар экан яна бир нарса эсимга тушди, биз математика институтида ўтирувдик, 1949 йили бўлса керак. Котибангиз келиб, Романовскийга президент Сизни бормиканлар, билиб келгин-чи, дедилар, деди. Романовский ўрнидан туриб олдингизга кетаётганди С. Сирожиддинов (у вақтда фан кандидати): Сиз ўтириб туринг, мен бориб боқай-чи, девди. Романовский йўқ, мен бораман, ахир у президент-ку, деди. Мен буни шундай тушундим: устоз-шогирдлик ўз йўлига, давлат ишидаги мавқе ўз йўлига, бир-бирига халақит бермаслиги керак экан. Мана шу устозингиз В. И. Романовский ҳақидаги эсдаликларингиз? Шуни ҳам айтиб қўяй, 1939 йили Ўзбекистон Олий Совети депутатлигида В. И. Романовский номзоди кўрсатилганида у ҳақида катта мақола остида доц. Т. А. Саримсоқов, доц. И. С. Аржаних деб ёзиб қўйилганлиги эсимда.

Т. С.: Ажойиб инсон ва мураббий, йирик олим ва лектор профессор В. И. Романовский САГУ ташкил қилинган кундан умрининг охиригача кўп шогирдлар тайёрлаб, Тошкентда эҳтимоллар назарияси ва математик статистика соҳасида таниқли илмий мактаб ташкил этган олим ва мураббийдир. Эҳтимоллар назарияси ва математик статистика соҳалари бўйича мамлакатда ва чет элларда катта обрў қозонган олим эди.

тоғларни ва умуман, табиатни уда ҳам севарди. Чотқол тизмалари бўйлаб кўп марта довонлар ошиб, сайёҳлик ҳам қилган. Унинг эсда қоладиган маслаҳатларидан бири: «Табиатнинг гўзаллигидан, мукаммаллигидан баҳра олинг, ажойиб тоғларнинг бетакрор манзараларидан завқланинг!», деяр эди. Мен бир неча бор у билан тоғларда бўлиб, довонлар ошганман ва шу саёҳатлар мобайнида турли ҳаётий ва илмий мавзуларда суҳбатлашганман. Унинг характери ўта сокин ва мулойим эди, у деярли ҳеч қачон товушини баландлатмас ва асабини бузмас эди. Устознинг рафиқаси Елена Евгеньевна Романовская юксак маданиятли аёл, олий музика маълумотига эга, Тошкент консерваториясининг доценти эди. Уларнинг ўзаро муносабатларидаги назокат ва латофат бир умрга эсимда қолган. 1945 йилнинг 22 июнь куни Москвада Қизил Майдонда ўтказилган Ғалаба намойишида иштирок этиш менга насиб бўлган. Ўша куни кечқурун СССР Фанлар академиясида Ғалаба кунига бағишланган тантанали мажлис бўлди. Мажлисда сўзга чиққан меҳмон буюк француз математиги М. Фреше эҳтимоллар назарияси ва математик статистиканинг ривожланишида совет математикларининг ажойиб хизматлари ҳақида сўзларкан, устозим В. И. Романовскийнинг ҳам номини тилга олиши менда чуқур ифтихор туйғуларини жунбушга келтирди. Мен унинг шогирди эканлигимдан ғоят фахрландим.

О. Ф.: Романовскийдан кейинги иккинчи устозингиз деб кимни ҳисоблайсиз?

Т. С.: Николай Николаевич Назаровни. У туғма математик эди. Диплом ишимга раҳбар Романовский бўлса, оппоненти Назаров эди. У 1924 йили 16 ёшида САГУни, ўша биз билан сиз ўқиган факультетни битирган. У бизга математика ва механика соҳасида ҳар хил курслардан лекция ўқиган. Лекция ўқиётганида артист бўлиб кетар эди.

О. Ф.: Сиз бу устозингиз ҳақида қайноқ хотира билан гапиряпсиз. М. Т. Ўрозбоев ҳам ўз дўсти Н. Н. Назаров ҳақида шундай гапиргани эсимда. 1947 йили Назаров Помир тоғида ҳалок бўлганида ҳамма ишларни ташлаб у ерга бориб дўстининг жасадини авайлаб олиб келганини айтганида, мен ҳайрон қолганимни сезиб, дўстим эди-да, деган эдилар.

Т. С.: Тўғри, у вақтда Назаров Академиянинг Математика ва механика институтининг директори эди, мен — Академия президенти, Ўрозбоев — иншоотлар институтининг директори. Ўрозбоев мен олиб келаман, деб туриб олди. Баъзилар, ахир, Помирдаги Қоракўл 400 метр баландликда, қийналасиз, ёшроқлар бора қолсин, дейишса ҳам бўлмади. Бутун Академия оёққа туриб, кўмиш маросимини ўтказди.

(Давоми бор).

КЕЧА БУГУН ЭРТАГА

● **РОССИЯ** вице-Президенти А. В. Руцкой баёнот берди. Унда таъкидланишича, Олий Кенгашда жиноятчилик ва коррупцияга қарши кураш бўйича идоралараро комиссия фаолияти ҳақида ахборот берганидан сўнг, кўпгина оммавий ахборот воситалари томонидан Президент ўзини оқлаш учун кенг миқёсда ташвиқот ишлари авж олдирилган. Шу муносабат билан А. Руцкой «Останкино» телерадиокомпаниясида узлуксиз мулоқотга чиқиш учун 23 апрелда мурожаат қилган эди. Унга рад жавобини беришди.

● **МОСКВА** банклараро валюта биржасида навбатдаги валюта савдоси бўлиб ўтди. Унда бир АҚШ доллари 795 рублга сотилди. Бу ўтган савдога нисбатан 9 рубл кўпдир.

● **РОССИЯ** Федерациясининг ҳукумати Россия Атом энергияси, иқтисодиёт вазирликлари билан Свердловск вилояти маъмуриятининг Уралда тинч соҳага ўтказилаётган мудофаа корхоналари негизида рангли телевизор ва кинескоп ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш ҳақидаги таклифига розилик берди. Бу иш Голландиядаги машҳур «Филипс» концерни кўмаги билан амалга оширилади.

● **ҚИРҒИЗИСТОН** чорвадорлари Янги Зеландияга жун сотадиган бўлдилар. Республика Қишлоқ хўжалиги вазирлигидан хабар қилишларича, «Клинтон Вул компани лимитед» фирмаси билан шу ҳақда шартнома имзоланди.

● **КАМА** автомобиль заводи (КамАЗ) жамоаси ёнғин оқибатида рўй берган тангликдан зўр-базўр чиқиб олмоқда. Одамлар қурбон бўлмаган бўлса-да, дастлабки маълумотларга кўра, жами технология машина-ускуналарининг чорак қисми ишдан чиққан. Асосий конвейер аввалги маромда ишлаб турибди, фақат кўп юк тортувчи машиналар ҳозирча моторсиз чиқарилмоқда.

● **МДҲ** ва собиқ Иттифоқ мамлакатлари Олий Кенгашлари маданият комиссияларининг раислари ва маданият вазирликларининг вакиллари Санкт - Петербургда очилган учрашувда кўпгина масалаларни муҳокама қиладилар. Иккинчи жаҳон урушидаги ғалабанинг эллик йиллигини, Санкт-Петербургнинг 300 йиллигини байрам қилишга тайёргарлик кўриш, «Яқин хориж» миқёсидаги маданий маконни тиклаш асосий масалалар бўлади.

«Исломобод» маданий марказида

НАВРЎЗ ТАДБИРЛАРИ БУЛИБ ЎТДИ

Бугуни ва эртасидан кўнгли тўлмаган киши ҳеч қачон байрам қилолмайди. Тўй-ҳашам унинг кўнглига сиғармиди? Халқ ҳам шу. Зеро, кишилар ўша халқнинг бир парчаси, бўлагидир.

Наврўзнинг маҳалла-кўйларда сидқидилдан байрам қилинганини ҳаммамиз биламиз. Куни кеча пойтахтдаги машҳур даҳалардан бири — Кўкчада тумонат одам йиғилди. Яқиндагина фойдаланишга топширилган «Исломобод» маҳалла маданий маркази уларни ўз бағрига олди. Бу ерда Ўзбекистон Республикаси «Маҳалла» хайрия жамғармаси, унинг Тошкент шаҳар бўлими фаоллари ташаббуси билан «Наврўз—93» тадбирлари ўтказилаётганди.

Бу ерга ташриф буюрган Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ошкоралик қўмитаси раиси, Ўзбекистон халқ шоири Эркин Воҳидов, Ўзбекистон Республикаси хотин-қизлар қўмитаси раиси, Ўзбекистон халқ шоираси Ҳалима Худойбердиева, республика «Маҳалла» хайрия жамғармаси раиси, профессор Шукур Темуров, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги диний ишлар қўмитаси раисининг ўринбосари Убайдулла Уватов ва бошқалар Наврўзнинг жамиятимизда тутган ўрни, миллий қадриятларимизнинг тобора шаклланаётгани мустақиллик шарофати билан эканлигини таъкидладилар. Сўзга чиққанлар маҳаллалардаги тинч-тотувлик, инсонийлик, меҳр-оқибат ҳақида гапиришди, «Наврўз»ни улуғлашди.

Тадбирга ташриф буюрган созандаю-хонандалар йиғилганларни ўз чиқишлари билан хушнуд этишди. Маросим сўнгида эса бир гуруҳ кишилар қимматбаҳо совғалар билан тақдирландилар.

СУРАТЛАРДА: Кўкча даҳасидаги «Исломобод» маҳалла маданий марказида ўтказилган Наврўз тантаналаридан лавҳалар.

Матн ва суратлар муаллифи Муҳаммад АМИН.



МАТБУОТ МАРКАЗИ ТАШКИЛ ЭТИЛДИ

Кеча Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлигида республика оммавий ахборот воситаларининг журналистлари иштирокида йиғилиш бўлиб ўтди. Унда республика табобат илмининг етакчи олимлари, тиббий олийгоҳларнинг ректорлари ва илмгоҳларининг директорлари, шунингдек, мазкур фаннинг етакчи мутахассислари иштирок этдилар.

Жумҳурият Соғлиқни сақлаш вазири Шавкат Каримов ҳозирги кунда республика шифокорлари олдида турган муҳим масалалар, оналик ва болаликни ҳимоя этиш, бозор иқтисоди шароитида меҳнаткашларга кўрсатилаётган тиббий хизматлар хусусида журналистларга батафсил сўзлаб берди. Қалам аҳли ходимларини қизиқтирган саволларига жавоб қайтарди.

Мазкур учрашувда республика Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузурида матбуот маркази ташкил этилганлиги эълон қилинди. Бу марказга ўз касбини пухта ўзлаштирган номдор олимлар ва журналистлар аъзо этиб тасдиқландилар.

О. ЗИЁВУДДИНОВ.

Туркистон бир, ватан бир
ТУРКИСТОН ТМ ТИЖОРАТ МАРКАЗИ

УНУТМАНГ:

Реклама учун сарфланган 1 сўмингиз камида 1000 сўм бўлиб қайтади.

«Туркистон» хизматидан фойдаланинг — кам бўлмайсиз! Маълумот учун телефонлар: 32-58-48, 32-56-57.

САНКТ-ПЕТЕРБУРГДАН
МЕБЕЛЬ
«МАРАТ»
САВДО УЙИ

Санкт-Петербургдаги омбордан
«КОСМОС»
«СЕВЕР»
«ОХТИНСКАЯ» мебель деворларни таклиф этади.

Тўлов усули — харидорнинг хоҳишига қараб намуналар билан танишишни, молни сотиб олишни ёки етказиб бериш юзасидан шартнома имзолашни истасангиз, қуйидаги манзилга мурожаат қилинг:

197342. Санкт-Петербург шаҳри. Пер. Красногвардейский. 8.

Тел: (812) 245-15-01.
Факс: (812) 591-16-72.

Савдо ташкилотлари, брокерлик идоралари, барча манфаатдор шахслар диққатига!

«МАРАТ»
САВДО УЙИ

мавсумий улгуржи-чакана савдо-сотиқни ўтказади.

Унда Италия—Хитойда ишлаб чиқарилган

Иссиқ чарм курткалар қўйилади.

Намуналар билан танишишни, молни сотиб олишни ёки етказиб бериш юзасидан шартнома имзолашни истасангиз, қуйидаги манзилга мурожаат қилинг:

Санкт-Петербург шаҳри. Пер. Красногвардейский. 8.

Тел: (812) 245-15-01.

Факс: (812) 591-16-72.

ТОШКЕНТ ХАЛҚАРО БИЗНЕС МАРКАЗИ
Сизларни Бирлашган Араб Амирликлари, Малайзия, Эронни
ЗИЁРАТ ҚИЛИШГА ЧОРЛАЙДИ

Саёҳатга чиқиш ҳужжатлари 25 кун давомида расмийлаштириб берилади.
Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Пушкин кўчаси, 17-уй, 1-қават («Болалар дунёси» универсал дўкони ёнида). Мулоқот телефони: 32-32-31.

Қутлуғ кун

Одил қалам соҳиби



Ўзбекнинг ғаройиб ва дунёдаги бошқа тилларда муқобили кам учрайдиган бир ибораси бор: халқимиз «Фалончи яхши қариди», дейди. «Шинелли йилларни» оқ қоғозда қайта жонлантира олган, «Олтин зангламас»да ҳаётий қадриятлар устиворлигини тараннум этган, «Жаннат қидирганлар»да илк марта қадимий Туркистон фарзандларининг ёт ўлкалардаги орзу-умид ва ташвишларини тарихий ватандошлар туйғуларига уйғун акс эттиролган, бир неча қисса ва саҳнабоп асарлар ёзган, хушмаъно насиҳатомуз шеърлар битган Шуҳрат домла чорак кам юз ёшга кирибдилар. Шуҳрат домланинг мураккаб ва ибратли тақдири унинг барча асарларида акс этди. Ижодкорнинг айни жиҳати уни бошқа адибу шоирлардан яққол ажратиб туради. Ёзганларини ўзи бошидан кечирган. Ярим асрдан кўпроқ давом этган ижодий фаолияти давомида адиб ҳаёт уммони ва халқимизнинг маънавият дарёсидан ҳовуч-ҳовуч олиб бахт-саодат ва келажак чанқоқларига тутди, инсоний ва фарзандлик бурчини тўкис адо этди. Ўзбекнинг одил қалам соҳиби бўлмиш диёнатли ва камсуқум фарзанди яхши қариди!

ШУҲРАТ

Оқ теракка қасида

Эшигим тубида ўсган оқ терак,
Мен сени соғиниб сафардан қайтдим.
Нимани кўз кўриб, сезибди юрак,
Ҳаммасин бир сенга, бир сенга айтдим.
Сен менинг болалик чоғимдан сирдош,
Сен менинг дардимни биласан яхши.
Гоҳ сенинг қошингда ўксиб тўксам ёш
Гоҳида яшнатган яхшилар иши!
Мен сени севибман умрим тонгидан,
Ҳар онинг қалбимга бир завқ беради.
Сафарга чиққанда кўзим ўнгида
Баркамол қоматинг яшнаб туради.
Мен сени соғиниб қайтаман яна,
Яна сен соянгга оласан яшнаб.
Гўё сен орзиқиб энтиккан она,
Япроқлар ўйнайсан суҳбатинг бошлаб!
Бунчалар дилимга яқин бўлмасанг,
Эй, она юртимнинг кўрки, оқ терак!
Япроғинг узра гар қўниб қолса чанг,
Безовта ўксиниб, йиғлайди юрак.
Мен сенга суяниб турибман, мана,
Бутун йўл чарчоғи чиқди эсимдан.
Вақт етиб, бир куни тўлса паймона,
Ёш тўкиб қоларсан, балки, изимдан!
Мен сени севаман жонимдан қаттиқ,
Оҳ, сендан ажралмоқ ўлимдан ортиқ.

Мен келдим ва кетдим

Дунёнинг аччиғу чучугин тотиб,
Бир инсон ҳаётин кечирдим бошдан.
Баъзида аламдан тутун тутатиб,
Кўмакчи қидирдим темирдан, тошдан.

Шодлансам вужудим пар каби енгил,
Булутдек кўкларда учдим бемалол.
Умримдан қониқиб, яйради кўнгил,
Кун кўрдим меҳнатда, ижодда ҳалол!

Дўст топдим бир талай серҳиммат, содиқ,
Шуларга суяндим оғир кунимда.
Гоҳ нола қалқиса дардим, унимдан, —
Бу — ҳаёт қадрини билганим ортиқ!

Мен кўзим очганда ҳаёт бор эди,
Ҳа, мендан кейин ҳам яшнаб қолади.
Тилимда кетади ҳаётим тоти,
Ўрнимни ўзга бир одам олади!

У эса, ўзича яшайди яна,
Умрин ўзича талқин қилади.
Мен қўйган оловда у ёна-ёна
Эҳтимол қадримни шунда билади!

Мен келдим ва кетдим, изим қолдими!
Ўртаниб айтганим сўзим қолдими!

СИЗ БИЛАН ҚАЕРДАДИР УЧРАШГАНМИЗ



БУ КУН Ҳусан полвоннинг хотирасида ўчмас бўлиб муҳрланиб қолган. Бу — унинг бутун ҳаётини, ўйларини, орзуларини батамом ўзгартириб юборган болаликнинг беғам, беташвиш бир куни.

Мактабда ҳам, маҳаллада ҳам шўхлиги, урушқоқлиги билан анча «танилиб» қолган эгизаклардан бири шу куни роса таъзирини еди. Унинг бу сафарги рақиби ўзига нисбатан анчагина кучли чиқиб, бир пасда суробини тўғрилаб қўя қолди. Мағлубият аламига чидолмаган Ҳусан уйга келгач, акаси Ҳасанни аврай-аврай ҳовлиларидан унча узоқда бўлмаган ҳунар-техника билим юртига қарашли спорт тўгарагига биргаликда боришга кўндирди.

Эртаси куни собиқ Иттифоқ спорт устаси Мансур Эркаев уларнинг бўйчану, озғин жуссасига кўз қирини ташларкан, гапни қисқа қилди: «Ўзларингга бошқа осонроқ юмуш топинглар. Самбо сизларга тўғри келмайди».

Иззат-нафси оғриган Ҳасан эшикни қарсиллатиб ёпганча чиқиб кетди. Ҳусан эса бир чеккада ўзи тенги, ўзидан тикроқ ўспиринлар бажараётган машқлардан кўз узолмай тураверади. Бир пайт болалар икковлон-икковлон бўлиб кураш туша кетишди. Аммо уларнинг сони жуфт бўлмаганлиги сабаб бир болага шерик етмай қолди. Шунда Мансур Эркаев Ҳусанга юзланиб:

— Кийиминг борми? — деб сўради.

— Бор.

— Бўлмаса, дарров кийинда, ўртага туш. Қани, бир синаб кўрайликчи.

Ҳусан устозининг бу синовидан эсон-омон ўтди-ю, бироқ анча вақтгача отасидан розилик ололмай юрди. «Бу ишинг менга маъқул эмас, ўғлим, — деганди ўшанда Ризо ака. — Ўзи ўнта қиз қаторида тилаб-тилаб олганим — иккита ўғил бўлсаларинг. Қўй, бирорта зўррок рақибнинг қўлига тушиб эт-бетингга шикаст етмасин.» Аммо бу гаплар Ҳусаннинг курашга бўлган иштиёқини сўндиролмади. Энди у машқларга яширинча қатнар, бўш пайтлари овлоқ жойларга бориб олиб ўрганганларини такрорлашдан эринмасди. Зимдан кузатиб юрган қўшнилари Мусин ака бир куни бу сирдан отасини огоҳ этди:

— Ризо ака, улингизни қизиқиши, кучли экан. Қўйинг, шаштини қайтарманг. Худо хоҳласа, ҳали кўрасиз катта полвон бўлади.

Аввалига ўғлидаги бу қизиқиш ўткинчи ҳавас бўлса керак, деб ўйлаган ота бора-бора тахмини нотўғри чиққанлигига ишонди. Кейинчалик ҳатто ўғлининг турли мусобақаларда қандай натижага эришаётганлиги билан қизиқадиган бўлди. Худо умрдан қисган экан. Ризо ака Ҳусаннинг чемпион бўлиб, ғолиблик шоҳсупасига кўтарилишини кўролмай оламдан ўтди.

ҲУСАННИНГ ҳикояси:

— Ҳарбийга жўнаётганимда отамни сўнгги марта кўриб турганлигимни билмадим. Хизматни Белоруссия қўшинлари спорт бўлинмасида бошлаганим сабабли 1987 йили шу ерда ўтадиган Бутуниттифоқ чемпионатига астойдил тайёрланардим. Бу орада уйдан «тез етиб кел, отангнинг аҳволи оғир», деган мазмунда шошилинч хат олдим. Шаҳрисабзга қандай етиб келганимни билмайман. Бироқ, барибир кечиккан эдим. Дунёдаги энг азиз кишиларимдан бирини тупроққа топшириб, кўнглимга чироқ ёқса ёришмайдиган бир ҳолатда яна хизматга қайтдим. Кўп ўтмай мусобақалар бошланди. Мен энди ўрин ололмасам керак, деб ўйлагандим. Йўқ, кутилмаганда муваффақиятли қатнашиб, рақибларимни доғда қолдирдим. Шоҳсупага кўтариларканман, хаёлимда «эссиз, отам бу бахтимни кўролмади», деган армон айланганн-айланган. Билмадим, ким бўйнимга олтин медални илди, ким қўлларимга гул тутди. Шашқатор кўз ёшларим юзимни тинимсиз юваётганини сезардим, холос...

ҲУСАН хизматни якунлаб, юртга қайтиб келганида ҳамшаҳарлари «Биздан яна битта чемпион чиқди», деб уни хурсандчилик билан кутиб олишди. Вақт кўп нарсани ўзгартираркан. Атиги бир неча йил олдин бу бола: «Эркин Ҳолиқовдек Оврупо чемпиони бўламан», деб кўпчиликка кулги бўлмаганмиди. Унинг ниятини фақат икки киши — устози Мансур ака ва синфдоши Баҳодиргина қўллаб, ишонч билдиришганди. Бугун эса хайрихоҳ кишиларнинг сафи яна кенгайди. Энди уларни уялтириб қўймаслик керак. Шундай ўйлар Ҳусанни Тошкентга етаклади. ТошДУнинг фалсафа иқтисод факультетига сиртдан ўқишга кирди. Айни пайтда спортни ҳам ташлаб қўймади. Республика ва Осиё чемпиони унвонларига сазовор бўлди. Ҳозир университетда курашнинг самбо тури бўйича ёшларга устозлик қилаяпти. 24 ёшга қадам қўйган полвон бир қатор шогирдлар тайёрлашга ҳам улгурди. Кураш ишқибозлари ўртасида анчагина танилиб қолган спорт усталари Артур Ибрагимов, Малик Бобоев, Усмон Ўринбоев ҳамда спорт усталигига номзод Раҳматулла Санақулов, Александр Зотинлар уни ўзларига устоз деб билишади.

— Устоз бўлиш осон иш эмас экан, — дейди у. — Агар эътибор берсангиз, олишаётган полвондан кўра, уни ҳатти-ҳаракатини кузатиб турган устозга оғир. Чунки четдан қараганда йўл қўйилган хатолар аниқ кўриниб туради-да. Айтай десангиз, мавриди эмас. Машқ пайти бошқа гап. Мусобақа бўлса-чи? Шундай ҳолларда ёрилиб кетай дейман. Умуман айтганда шогирдларимдан кўнглим тўқ. Уларни мен ҳозирги иқтисодий таназзул даврида спорт ўз ҳолига ташлаб қўйилган бир шароитда тошларни ёриб чиқаётган гиёҳларга ўхшатган бўлардим. Бизда аҳвол жуда ночор. Кураш гиламлари яроқсиз ҳолга келиб қолган. Ваҳоланки, шу ердан Ўзбекистонни жаҳонга танитган қанчадан-қанча спортчилар чиққан. Яқинда Бишкекда биринчи маротаба ўтказилган Осиё мамлакатларининг талаба спортчилари беллашувида ҳам қатнашдик. Гарчи қирғиз миллий кураши билан таниш бўлмасакда, яхши натижаларга эришдик.

Нега ҳозирги ўзбек полвонларининг довруғи етти иқлимга ёйилмаяпти? Қачон ўзбекча кураш усули дунё миқёсида машҳур бўлади? Саволлар кўп. Жавоб эса битта: спортга эътибор талаб даражасида бўлмас экан, бу саволлар ширин орзулигича қолаверади. Ҳалиям бўлса яхши кунлари, тўй ва байрамлари кураш, кўпкарисиз ўтмайдиган халқимизга минг раҳмат. Шу урф-одат, анъаналар боис миллий спортимизнинг баъзи турлари сақланиб келмоқда.

ҲУСАННИНГ ҲИКОЯСИ:

— Шаҳрисабзда туғилганман. Шароит йўқлиги учунми, шаҳарда тўйлар деярли курашсиз ўтади. Тўғриси, 1987 йилгача тўйда олишмагандим. Бир куни устозим «Катта мусобақаларда сабоқ бўлади», деб мени қишлоққа — тўйга олиб борди. Қарасам тумонат одам. Кураш бўлаётган экан. Полвонларнинг ҳаракатига қойил қолдим. Асосан тик туриб олишишаркан. Шунинг учун ҳам оёқлари қотиб кетган. Ҳеч қайси миллат полвони бундоқ тик туриб олишишга дош беролмаслигини ўйлайман. Юрагимда қандайдир қўрқув пайдо бўлди. Мансур ака «Ҳозир сен чиқасан, тайёрлан», деганда адойи тамом бўлдим. Худди илк марта кураш тушаётгандай довдирайман. «Барибир йиқиламан. Қани энди баковул таништирмаса», дейман ичимда. Йўқ, унинг товуши гўё еру-самони титратгудек гулдирайди: шаҳрисабзлик полвон Ҳусан Турдиев...

Чор-ночор ўртага чиқдим. Томошабинларнинг бунчалик яқин туриб олқишлашларини биринчи кўришим эдим. Рақиб билан тўқнашдик. Анчагина ҳайбатли экан. Нима бўлса-бўлар, деганча икки қўлидан ушлаб, елкамдан ошириб урдим. Давра бир қалқиб тушди. Мен йиқитгандим. Шодлигимдан совринга ҳам қарамай, чопиб чиқиб кетибман.

Эртаси куни яна тўйга бордик. Бу сафар чекимга жуссаси кичикроқ полвон тушди. Уни ўзимга муносиб деб ҳисобламадим. Беш-ўн минг одам қаршисида бемалол майда машқларни бажардим. Ҳамманинг кўзи менда. Буни ҳис қилганим сари юрагим ҳапқиради. Кураш бошланди. Қўл ушлашдик. Орадан бир дақиқа ўтиб-ўтмай, у мени кўтариб ташлади. Нима бўлганини билолмай қолдим. Негадир устозим ўз ёнидан соврин тикиб бизни яна олиштирди. Тағин панд бердим. Қайтаётганимизда Мансур ака рақибим ёши ҳам, тажрибаси ҳам катта, зўр полвонлардан бири эканлигини айтди. Шу-шу устозимнинг ҳар қандай шароитда ҳам камтар бўл, рақибингни ҳурмат қил, деган ўгитларига амал қиламан...

ПОЛВОН халқи азалдан содда ва танти бўлади. Бу хислатлар Ҳусаннинг феълига ҳам ёт эмас. Қувликни билмайди. Суҳбатлашсангиз яйраб кетасиз. Уйи, яқин кишилари, онаси Офтоб опа ҳақида айниқса, мароқ билан гапиради. Баъзида ўз туйғуларидан ўзи уялади ҳам. Бир марта уни паришон ҳолда учратиб, сабабини сўрадим. Онамни, онам тайёрлаб берадиган шарбатларни соғиндим, деди у кулиб. Самимияти шундаки, кўнглидагини яширмайди. Мен эса полвоннинг қалби худди ёш боланикидек бўлишидан ҳайратланаман.

Биз тез-тез учрашиб турамиз. У келганда диққинафас хонага тоза бир ҳаво ҳам қўшилиб киргандек бўлади. Рўпарамдаги курсига ўтириб олиб, энг сўнгги таассуротлари билан ўртоқлашади. «Сен ҳақингда бир нарса ёзишим керак» дейман. «Эй, нимамни ёзасиз. Юринг, яхшиси бирор жойга борамиз. Ўтирасизми, қоғоз титкилаб». Куламан. «Хизматчилик». У эса бир жойда ўтиролмайди. Шунда унинг оёғи оқсаётганини сезаман. «Тунов куни мусобақада шикастландим. Ҳечқиси йўқ. Олимпиадагача ҳали анча бор, — дейди Сўнг ширин бир энтикиш билан давом этади. — Насиб қилса, Олимпиада ғолиби бўлсам, уйланаман».

Бир келганида унинг ҳозирги ўзбек полвонларига нисбатан муносабати билан қизиқдим.

— Элимизда номдор полвонлар кўп. Қай бири ҳақида гапирай, — дейди у. — Ҳамюртларимдан Эркин Ҳолиқов, Тўра Авлоқулов, Абдуқодир Пирматов, Зокир Шариповларнинг кураш усуллари ёқади. Уларнинг ҳар бирида алоҳида хислат бор. Эркин аканинг ҳар қандай шароитда ҳам руҳан тушмаслиги мақтовга арзийди. Қодир полвоннинг ўта кучлилиги, эркин ҳолда олишиши ўзига хос. Зокир полвон эса курашни санъат даражасига кўтаради. Эҳтиёткорлик билан чиройли усулларни қўллайди. Тўра ака том маънода ҳақиқий полвон. Ўзи енгилмас бўлгани билан ҳеч қачон рақибини беобрў қилмайди. У йиқитганда бошқалардек сакраб, олқиш кутмайди. Йиқилганни турғазиб, кўнглини кўтаради. Юқорида айтганимдек, катта полвонлар кўп. Лекин Тўра акадек ҳурматга сазоворлари саноқли.

Ҳусан шу юртнинг безовта, жонкуяр фарзанди сифатида ўзбек спортининг келажаги ҳақида куйиниб гапиради.

— Бизда ҳанузгача спортчи учун иқтидор ва тинимсиз машқ бўлса кифоя, ғалаба ўз оёғи билан келади, деб ҳисоблашади. Спортчининг еб-ичиши қандай эканлигини эса ўйлашмайдиям. Полвон ҳар қанча истеъдодли бўлмасин, кучли овқат еб турмаса, яхши натижа кўрсата олмайди. Шунинг учун ҳам «полвон кийимига қарамасаям, томоғига қараши керак», деган гап бор. Бугун нарх-наво осмонга чиққан пайтда уларнинг дардини ким эшитади? Полвонни-ку, майли, тўй боқади. Бошқа спортчиларни-чи?

Бир воқеани айтиб берай. Ўтган йили Чимкентда бокс бўйича мусобақа бўлди. Унда Рихсивой деган боксчи укамиз Ватанимиз шаънини ҳимоя қилиб, чемпионликни қўлга киритди. Эвазига нима олди, денг. 30 сўм пул ва мақтов ёрлиғи. Бошқа ерлик ғолибларга 50—100 минг сўмлик мукофот беришганда, бу ҳол ачинарли эмасми? Ҳозир шу йигит спортдан тамом юз ўгирган. Бўлмаса, келажакда ундан янаям машҳур боксчи чиқиши мумкин эди.

Яқинда «Алпомиш» спорт саройида бўлиб ўтган Абдуқодир полвон билан Эрали полвонларнинг беллашувига катта миқдорда соврин қўйилганлиги кўнгилга таскин беради. Бу ҳол бизнинг спортимиз ҳақида ҳам янгича фикрлайдиган кишилар кўпаяётганлигидан далолат берса, ажабмас.

...У ҲАР галгидек «бўпти, мен кетдим», деб ўрнидан турди. Кузатиб чиқарканман, сўрадим:

— Ҳусан, сен ҳақингда барибир ёзаман. Биласанми қачон?

— Қачон?..

— Олимпиада чемпиони бўлганингда!

* * *

Булар эса шунчаки хамир учидан патир, холос.

Сирожиддин РАУФ,
«Туркистон» мухбири.

...Қулоқ нима учун берилган!
— Панду насиҳат тингламоқликка.
— Қўл нима учун яралган!
Жажжи, нозик қўллар баравар олдинга интилади.
— Халққа хизмат қилишга.

Маърифат дунёсининг эндигина остонасида турган кичкинтойларнинг биринчи мустақил байрами — Алифбе байрами ана шундай гўзал, болаларбоп саҳна билан якун топди. Ҳамма шод, ҳамма хурсанд. Синф муаллимаси Нафиса опа Алимованинг 8 ойлик меҳнати маҳсули эди бу.

Менинг хаёлимда ҳамон ўша илгари чўзилган қўллар, таниш овозлар жаранглайверади... Халққа хизмат қилишга, хизмат қилишга...

СУРАТЛАРДА: Мирзо Улуғбек туманидаги 113-мактабнинг 1-«А» синфида бўлиб ўтган «Алифбе» байрамидан лавҳалар.

Суратчи Муҳаммад АМИН.

Директорнинг қабиҳлиги

Самарқанддаги «Санноз» фирмаси директорининг муовини С. Солиев хатни ўқиди-ю ғалати бўлиб кетди.

Орадан бир неча кун ўтиб, милицияга мурожаат этишдан бошқа чора йўқлигини англади. Номаълум кимсалар «Агар 400 минг сўм бермасанг, ўзингдан кўрасан!», деб дўқ уришаётган эди.

Милиция ходимлари тезда тадбир белгилади. Жабрланувчи айтилган маблағни топшириш учун товламачиларга учрашиш вақти ва жойини хабар қилди. С. Солиев айтилган пулни бераётган пайтда фирибгарлар қўлга олинди. Маълум бўлишича, С. Солиевнинг бошлиғи, яъни у ишлаб турган фирманинг директори Илҳом Бурҳонов, ишсиз дайдиб юрган Аслиддин Назруллаев ва ашгабатлик Абдурасул Каримов шу қабиҳ ишга қўл урган экан.

Х. ШУКУРОВ,
ЎзА мухбири.

Газета саҳифаланаётганда:

ШАКАР ЎРНИГА АНОР ЭМИШ...

Термиз туман матлубот жамиятига қарашли дўконларда аҳолини кундалик маҳсулотлар билан таъминлашда узилишга йўл қўйилмоқда. Бу-ку майли, бори ҳам меъёрдагидан кам тарқатиляпти. Сотувчи 800 грамм ўрнига 700 грамм шакар беради. Гуруч, чой, ўсимлик ёғидан ҳам «уриб қолади».

— 41-дўконнинг қишлоғимиздаги бўлимига шу йил февраль ва март ойида 750 килограмм ўрнига 600 килограммдан шакар келди, — дейди Паттакесар қишлоқ кенгашининг маҳалла қўмитаси раиси И. Хўжанов, — натижада 200 киши шакарсиз қолди. Етишмаган шакар ўрнига анор оласиз, деб қурушган маҳсулотни кўрсатишаётир.

Туман ҳокимлиги бундай инсофсизликка қандай муносабат билдирар экан?

Ч. ТЎХТАЕВ,
ЎзА мухбири.

Келгуси сонда:

- ● «ФАРҒОНАДА БИТТАГИНА»
- ● САНАМАЙ САҚҚИЗ ДЕМАНГ
- ● НАФС ҚУРБОНЛАРИ

БОШҚОТИРМА



1. Сув ташиш воситаси. 2. Сурхондарёдаги «Искра» давлат хўжалигининг асосий экини. 3. Сибирдаги дарё. [illegible]. Кенияда пул бирлиги. 5. Есам тишимга, емасам тушимга киради. 6. Манзара жанрида ижод қилган таниқли рассом. 7. Хусусий мулкдан улуш олиш ҳуқуқини берувчи қимматли қоғоз. 8. Қамарий йилнинг еттинчи ойи. 9. Ўзбек уруғларидан бири. 10. Тижоратчилар газети. 11. Дурадгорлик асбоби. 12. Қўшиқ.

Очқичдаги белгиларни ҳарфлар билан алмаштиринг. Шунда шаклдан севимли шоиримиз Абдулла Ориповнинг тўрт мисра шеърини ўқиш имконияти туғилади.

Очқич:

1. Гуруч нави. 2. Халқ хўжалигининг тармоғи. 3. Отаси бой, ўзи хонавайрон 4. Биби Фотиманинг оши. 5. Балиқ тури.

Тузувчи: Р. ШАРИПОВ

Яқин аччиқ тарихимиздан бир лавҳа

Чилла чиққан бўлса ҳам ҳали қаҳратоннинг қалқони тешилмаган. Фақат кундузлари кунгай қилиб солинган уйнинг деразасидан ва қия очиқ эшигидан офтобнинг ожиз ҳарорати имиллаб ичкарига киради. Қирғизбек уйнинг офтобрўйига пўстак тўшаб, оёғидаги қон ва йиринг силқиб турган яраларини қотирма қилиб олишни ўйлайди. Баданида аллақандай роҳат туйиб тамшанади. Лекин ўрнидан туриб, тагидаги пўстакни ҳовлига судраб чиқиш азоби ҳақида ўйласа, юрагида санчиқ қўзғалади. Майиб оёқ билан остона хатлаб ўтиш осон бўлмас... Бироқ азобининг ўзи яна остона хатлаб кириб келди: Йўлдошбой раис ва Сойиб назар муаллим бетакаллуф тўрга ўтиб чордона қуришди. Уларнинг келиши — сўроқ, ўтириши — жавоб: «Хотинингни талоқ қил! Бўлмаса Мурод оқсоқол қишлоққа тинчлик бермайди».

Бугун роппа-роса бир ҳафта бўлди. Ўзбек Чирой қишлоғининг бу икки гўхсўри ҳар куни бирров келиб «хотинингни жавобини бер», деб Қирғизбекни қистовга олишади. Чунки унинг хотини Гулсара ҳозир Мурод оқсоқол билан расман бирга яшамоқда эди.

...Фин урушидан орден тақиб қайтганидан кейин Қирғизбек қишлоқнинг энг барно қизи Гулсарага уйланди. Оёғидан ўқ еган. Оқсоқланиб қадам ташласа ҳам юраги бутун, руҳи тетик эди. Қарчиғайдай йигит Чирой қирларидан от елдириб ўтганида қўшни тоғдан пусиб бўйлаётган боши қатрон кимсанинг юрагига титроқ тушар, қандай қилиб бу уруш қаҳрамонини буғдойдай ўриб олиш ҳақида ўйлар эди. Тезда бошланган Герман уруши унинг учун айни муддао бўлди. Қирқ йигит — қишлоқнинг қирқ чинори бирин-кетин урушга сафарбар қилинди. Мурод оқсоқол Қирғизбекни ҳам улар сафига қўшиб қўйди. Ҳали батамом соғаймаган-ку, дегувчи топилмади. Устига устак Мурод оқсоқолнинг ташаббуси билан унча-мунчага бўйин бермайдиган Чирой қишлоғилик ўттиз қария ишчи батальонига жўнатиб юборилди.

Чилтонбобо мозорининг толлари асабий шовуллайди. Кўралининг булоғи қишин-ёзин бирдай қайнаб туради. Ҳар йили эрта баҳордан қирларни бойчечаклар гилами яшнатиб юборади. Табиат азалий қонунлари билан яшамоқда. Аммо Ўзбек Чирой қишлоғига энди бало тикилган. Умидсизликнинг туби кўринмайди. Қишлоқнинг икки фаоли — Йўлдошбой ва Сойибназар муаллим ҳам бунга кўникишди. Чилтонбобо мозорининг қибласидаги гапхонада ҳар куни тонггача чўзиладиган меҳмондорчиликларнинг бирида Мурод оқсоқол ҳамтовоқларига дилини ёрди: унинг ишқи Гулсарага тушган. Қирғизбекнинг урушдан қайтиши энди даргумон. Фақат амакиси — Йўлдошбой рози бўлса бас. Давлат ҳам, қонун ҳам Мурод оқсоқолнинг сўзи эди. Химоси тош кесиб турган раисга «йўқ» дегувчи мардлар қон кечиб юрибди. Бунинг устига Гулсаранинг ўзи Мурод оқсоқолга хотин бўлишга рози эмиш.

Гулсара оқсоқолнинг қишлоғига кўчиб ўтган куни Ўзбек Чирой учун сўнгги ҳукм ўқилди: орияти топталган Гулсаранинг қариндошлари — чол-кампирлар бола-бақрасини етаклаб чўлга эниб кетишди.

Ана шундай кунларда Қирғизбекнинг омон қайтиб келиши баҳор қалдирғочидай Чирой устидаги ўлим муждасини чўчитиб юборди. Мурод оқсоқол ва унинг ҳамтовоқлари саросимага тушиб қолдилар.

— Йиртиқ шинел остида жони бўлкиллаб турибди. Қишдан чиқиши даргумон, — деб хабар олиб келди бириси.

Ҳафта ўтди. Аммо Қирғизбекнинг мўрисидан чиққан тутун тобора баландроқ ўрлайверди (Ҳалича кампир унга яширинча чой-овқат ташиб сандалига ўт солиб турган, дейишади).

Алҳол Қирғизбекдан «Мурод хотинимни қайтариб берсин, бўлмаса устидан военкомга арз қиламан», деган талаб билан киши келди. У пайтларда фронтчининг гапи ҳисобга ўтиб турган эди. Бу Муродни чўчитди. Энг ёмони — агар Қирғизбек талоғини бермаса, Мурод билан Гулсаранинг никоҳи шариатга зид бўлиб, улардан туғилган фарзанд ҳароми саналарди. (Қаранг, мачитларни оёқ ости қилган даҳрийлар ҳам шариат қонунларидан чўчишган). Шунинг учун оқсоқол Йўлдошбой билан Сойибназар муаллимни сиқувга олди: қариндошингни кўндир, бўлмаса...

Қирғизбек, қўядиган хотиним йўқ, деб оёқ тираб олди. Масалани Гулсаранинг ўзи ҳал қилди. Эгнидан увада шинелню, оёғида ўкчаш қийшайган этигидан бўлак ҳеч вақоси йўқ Қирғизбекдан кўра дастурхонидан мой аримайдиган Мурод оқсоқолни афзал кўрди. Ўзи келиб, уйидаги бор қақир-қуқурини эшакка юклади.

— Эркак бўлсанг кет бу қишлоқдан!

Икки урушда эгилмаган йигит боши ўшанда ҳам бўлди. Болдирларини тилимлаб темир терганларида лоақал ихрамаган эркак ўша куни уввос солиб йиғлади. Икки кун шу алфозда бағрини ерга бериб ётди.

— Бу аҳволда ҳаром қотасан-ку, — деди йўқловчи бир бечора.

Қирғизбекнинг негадир энди мағлуб аҳволда ўлгиси келмас эди. Бозорчининг эшагига мингашиб Ўратепанинг Гулисурхига, у ердан яхшилар кўмагида Бекободдаги Дзержинский номли колхозга — қариндошлари ёнига бир амаллаб етиб олди.

Шундан бери кўп сувлар оқиб ўтди. Мурод оқсоқол ҳам, Йўлдошбой ҳам энди орамизда йўқ. Аммо Қирғизбек бобо ҳали бақувват. Бевафо Гулсарасига, уни оёқ ости қилмоқчи бўлганларга аччиқ-ма-аччиқ ҳаётга қаттиқ тирмашди. Ўлмаган қул кўрар экан.

Абдуҳолиқ АБДУРАЗЗОҚОВ.

Бош муҳаррир: Жаббор РАЗЗОҚОВ
Таҳрир ҳайъати: М.АБДУСАМАТОВА, А.АҲМЕДОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Н.ЖАЛИЛОВ, К.ЖУМАНИЁЗОВ, К.РАҲИМОВ, З.РИХСИЕВ (масъул котиб), Қ.ЭШМАТОВ.

Таъсис этувчилар:
ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАР ИТТИФОҚИ МАРКАЗИЙ ҚЎМИТАСИ
ва
"ТУРКИСТОН" ИЖОДИЙ ЖАМОАСИ
газета 1925 йил 8 февралдан "Ёш ленинчи" номи билан чиқа бошлаган.

☎ ТАҲРИРИЯТ: ☎
хатлар ва оммавий ишлар — 32-56-57; ёшлар сиёсати ҳамда фан ва халқ таълими — 32-57-93; ижодкор ёшлар — 32-57-52; иқтисод, қишлоқ ёшлари, спорт ва ватанпарварлик — 32-55-81; ахборот ва бадиий безаш — 32-53-98; тижорат — 32-58-48; қабулхона — 32-56-58.

✉ МАНЗИЛИМИЗ:
700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32-уй.
Нашр кўрсаткичи: 64607

Газетамиз ҳафтанинг сешанба, пайшанба, шанба кунлари чиқади.

Қўлёзмалар ҳамда суратлар муаллифларга қайтарилмайди ва таҳлил этилмайди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Маҳкамасининг Ишлар бошқармаси ҳузуридаги «Шарқ» нашриёт-матбаа концернининг босмахонаси. Манзилгоҳи: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

Рўйхатдан ўтиш тартиб № 00130 Буюртма Г—179. 64052 нусхада босилди, ҳажми — 2 босма табоқ. Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А—2. Босишга топшириш вақти — 21.00. Босишга топширилди. 21.30 да
1 2 3 4 5 6